

**Докторлик диссертацияси мавзусини рўйхатдан ўтказиш
ва Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборотномасида
эълон қилиш тартиби**

1. Докторлик диссертацияси мавзусини рўйхатдан ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборотномасида эълон қилиш тартиби (кейинги ўринларда Тартиб деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ–4456-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 365-сонли қарори ва мазкур қарор билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низом”, шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг тегишли низомларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Тартиб докторлик диссертацияси мавзусини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида (бундан буён Ўзбекистон Республикаси ОАК деб юритилади) рўйхатдан ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборотномасида эълон қилиш тартибини белгилайди.

3. Рўйхатдан ўтказилган докторлик диссертацияси мавзуси қуйидаги тартибда рақамланади:

Қисм	Рақамлаш	
	Моҳияти	Ифодаланиши (масалан)
1	Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарори билан рўйхатга олинган сана.	30.09.2014
2	Диссертация мавзусининг «Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборотгомаси» журналида эълон қилинган йили ва сони.	B2014.3-4.FM1
3	Мавзунинг фан тармоғига оидлиги ва унда нечанчи бўлиб эълон қилинганлиги.	
Диссертация мавзусини рўйхатга олиш рақами: 30.09.2014/ B2014.3-4.FM1		

4. Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари йўлланма хат билан янги йилнинг 31 январигача катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчилик институтларига қабул қилинган изланувчиларнинг диссертация мавзуларини рўйхатдан ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси

ОАК Ахборотномасида эълон қилиш учун иловага мувофиқ маълумот-ларни электрон ҳужжат айланишг тизими орқали Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим этадилар. Йўлланма хатга мавзуларни рўйхатдан ўтказиш ва эълон қилиш билан боғлиқ сарф-харажатларни қоплови бўйича молиявий муассаса ҳужжати илова қилинади.

5. Ҳужжатлар “ОАК Ахборот-коммуникация тизимларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази” томонидан 5 иш куни ичида тизимлаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси ОАК Мониторинг бўлимига тақдим этилади.

6. Ўзбекистон Республикаси ОАК Мониторинг бўлими бир ой муддатда тегишли маълумотларни, жумладан, қуйидагиларни кўриқдан ўтказди:

талабгорларга илмий ва илмий-педагогик фаолият олиб боришга лаёқати бўйича берилган гувоҳномалар рақамлари ва саналари;

диссертация мавзуларининг Истикболда бажариладиган долзарб доктор-лик диссертациялари мавзулари рўйхатида эълон қилинган мавзуларга мувофиқлиги.

Шунингдек, кўриқдан ўтказилган мавзуларни:

Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-қоида комиссиясига кўриб чиқиш учун киритади ва унинг қарори асосида тегишли ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатига рўйхатдан ўтказиш учун тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг тегишли қарори асосида уларни эълон қилиш учун Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборотномаси масъул котибига топширади;

рўйхатдан ўтказилган мавзулар бўйича таҳлилий маълумотнома тайёрлайди.

7. Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборотномаси таҳририяти таҳлилий маълумотномани ҳамда катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчилик институтларига қабул қилинган изланувчиларнинг диссертациялари мавзуларини журналнинг навбатдаги сонидида эълон қилинишини ҳамда мавзулар эълон қилинганидан кейин 2 ой ичида уларни тизимли равишда Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайтига жойлаштиришни ташкил этади.

8. Катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчиларнинг диссертация мавзулари ҳисоботи Ўзбекистон Республикаси ОАК Мониторинг бўлими томонидан Котибият билан биргаликда юритилади.

Изоҳ: Эълон матни компьютернинг Times New Roman шрифтида, 12 кегел катталиқда, бир интервалда терилган ҳамда таҳририй жиҳатдан аниқ ва раван берилиши керак.

**Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси томонидан
тақдим этиладиган маълумотлар**

илова

Катта илмий ходимлар-изланувчилар учун¹

№	Изланувчининг		Ихтисослик шифри ва номи	Диссертация мавзуси (ўзбек, рус ва инглиз тилларида)	Илмий маслаҳатчининг Ф.И.О ² (тўлиқ), Илмий даражаси ва илмий унвони, Ихтисослик шифри	Иш бажарила- ётган муассаса номи
	Ф.И.О. ³ (туғилган йили)	Илмий даражаси (мавжуд бўлса)				
	Лаёқат гувоҳно- маси рақами					
	Мавзулар базасидаги мавзунинг рақами					
	Физика-математика фанлари					
	Кимё фанлари					
						

¹ Мазкур жалвал мустақил изланувчилар ва диссертация тадқиқотларини олиб бораётган изланувчилар учун, шунингдек, мавзуларига тегишли ўзгартиришлар киритилаётган изланувчилар учун алоҳида расмийлаштирилади.

² Фуқаролик паспорти асосида расмийлаштирилади.

³ Фуқаролик паспорти асосида расмийлаштирилади

Муассасага малакавий имтиҳонни ташкил қилиш ҳуқуқини бериш тартиби

1. Муассасага малакавий имтиҳонни ташкил қилиш ҳуқуқини бериш тартиби (бундан буён Тартиб деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ–4456-сонли фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низом» ҳамда Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг «Малакавий имтиҳонларни ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низом»га мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Тартибда муассасаларга малакавий имтиҳонларни ташкил этиш ҳуқуқини бериш талаблари белгилаб берилган.

3. Ҳузурида фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тузилган муассаса (муассасалар) тегишли ихтисослик (ихтисосликлар) бўйича малакавий имтиҳон (имтиҳонлар)ни ташкил этиш ҳуқуқига эга.

4. Умумилмий фан (курс)лар бўйича малакавий имтиҳон (имтиҳонлар)ни ташкил этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг қарори билан қуйидаги талабларга жавоб берган муассасага берилади:

катта илмий ходимлар-изланувчилар институти ташкил этилган;

ўқув ёки илмий-ташкилий тузилмалар (кафедра, бўлим, лаборатория) фаолият кўрсатаётган;

умумилмий фан (курси) йўналишида камида икки нафар фан доктори ва тўрт нафар фан номзоди, хорижий давлатларда берилган фалсафа доктори (Ph.D) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга мутахассислар фаолият кўрсатиши;

тегишли йўналишда илмий тадқиқотларнинг бажарилаётгани;

муассасанинг мустаҳкам моддий-техник база ва молиявий имкониятларга эга экани.

5. Умумилмий фан (курс)лар бўйича малакавий имтиҳонларни ташкил этиш ҳуқуқини олиш учун муассаса Ўзбекистон Республикаси ОАКга расмий мурожаат⁴ қилиши керак.

Мурожаатномага малакавий имтиҳон қабул қилиш комиссияси таркиби

⁴ Мурожаатда қуйидаги масалалар асослаб берилади: муассасанинг тегишли талабларга жавоб берилиши; малакавий имтиҳонларни ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирларни амалга оширишда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши; бошқа ташкилотлардан келган изланувчилардан имтиҳонларни бепул қабул қилиниши; имтиҳон комиссияси фаолияти учун тегишли шарт-шароитлар яратиб берилиши; имтиҳон билан боғлиқ бўлган барча сарф-харажатларни муассаса нобюджет маблағлари ҳисобидан қоплаш (зарур ҳужжатлар илова қилинади).

лойихаси илова қилинади⁵.

6. Муассасага малакавий имтиҳон ташкил этиш ҳуқуқини бериш (мазкур ҳуқуқдан маҳрум этиш) тўғрисидаги маълумот Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборотномасида эълон қилиб борилади.

⁵ Малакавий имтиҳон қабул қилиш комиссияси таркиби лойихаси жадвал шаклида келтирилиб, таклиф этилаётганларнинг фамилияси, исми-шарифи (фуқаролик паспорти асосида), илмий даражаси ва илмий унвони, иш жойи ва лавозими аниқ қайд этилади.

Малакавий имтиҳонни муассасада ўтказишни жойида ўрганиш бўйича услубий кўрсатмалар

1. Малакавий имтиҳонни муассасада ўтказишни жойида ўрганиш бўйича услубий кўрсатмалар (кейинги ўринларда услубий кўрсатмалар деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2012 йил 24 июлдаги ПФ–4456-сонли фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низом» ва «Малакавий имтиҳонларни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом»га мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Услубий кўрсатмалар малакавий имтиҳонларни (МИ) ўтказишни жойида ўрганишнинг тартибини белгилайди.

3. МИни жойида ўрганувчи Ишчи гуруҳи малакавий имтиҳонлар сессияси даврида Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-қоида комиссияси қарори билан ОАК аппарати масъул ходими, Илмий-эксперт кенгаши аъзоси ва ОТМ ёки ИТМ мутахассисидан иборат 3 аъзоли таркибда тузилади.

4. Ишчи гуруҳи ўз ишини Ўзбекистон Республикаси ОАК раҳбарияти имзолаган йўлланма хати асосида тегишли муассасада ташкил этиб, ўрганиш натижасига кўра маълумотнома тузади.

5. Муассаса Ишчи гуруҳи фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериши шарт.

6. МИни жойида ўрганиш қуйидаги уч йўналишда амалга оширилади:

а) тегишли норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг мавжудлиги (низом; олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхати ва уларнинг паспортлари; ихтисослик ёки малакавий имтиҳон предмети бўлган белгиланган тартибда тасдиқланган дастури; малакавий имтиҳон қабул қилиш комиссиясининг тасдиқланган таркиби; малакавий имтиҳон қабул қилаётган муассасада таҳсил олаётган катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчиларнинг ҳужжатлари тўплами; малакавий имтиҳон топшириш учун бошқа ташкилотлардан келган катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчиларга тегишли ташкилотларнинг тақдирот хатлари; малакавий имтиҳон топширишга талабгорларни рўйхатга олиш китоби ва имтиҳон қабул қилиш баённомалари; малакавий имтиҳон топширувчилар рўйхати, малакавий имтиҳонни ўтказиш жойи ва вақти кўрсатилган ҳолда эълоннинг мавжудлиги, шу жумладан, веб-сайтда эълон қилингани;

б) ташкилий жиҳатдан ўрганиш. Бунда қуйидаги масалаларга алоҳида

эътибор бериледи: тегишли тадбирларни низом талаблари асосида ташкил этилгани; МИ қабул қилинишидан 5 кун олдин имтиҳон топширувчилар рўйхати, имтиҳон қабул қилиш вақти, жойи ва комиссиянинг таркибига доир маълумотлар жамоатчиликка эълон қилингани; фан дастури асосида тегишли консультациялар ташкил этилгани; МИ ўтказиш жараёнида холислик, очиклик ва ошкораликнинг таъминлангани;

в) малакавий имтиҳон предмети (курси) ёки ихтисослик дастури асосида имтиҳон саволларининг моҳияти ҳамда имтиҳон топширувчиларнинг билимини баҳолашнинг объективлиги. Бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериледи: тасдиқланган дастур асосида шакллантирилган имтиҳон саволлари, билетлар ҳолати, уларнинг муҳрлангани ва имзолангани; имтиҳон жараёнида имтиҳон топширувчиларнинг назарий ва касбий тайёргарлиги даражаси, соҳага оид илмий адабиётлар, жумладан, хорижий нашрларни ва илмий тадқиқотларнинг замонавий усуллари қай даражада эгаллагани, шунингдек, тегишли фан соҳаси ривожининг ҳозирги аҳволи, муаммолари ва истиқболларини, унда ўтказаетган тадқиқотининг ўрни, янгилиги ва аҳамиятини билишига алоҳида эътибор қаратилгани; имтиҳон топширувчилар билим савиясининг объектив баҳоланиши.

7. МИни жойида ўрганиш жараёнида аниқланган барча камчиликлар муассаса раҳбариятига маълум қилинади ва маълумотномада акс эттирилади.

8. МИни жойида ўрганиш жараёнида аниқланган камчиликлар юзасидан қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши мумкин:

жузъий камчиликлар жойида бартараф этилади;

Ишчи гуруҳининг тавсияси асосида Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-қоида комиссиясининг қарори асосида МИ бошқа кунга кўчирилади;

тегишли ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг қарори асосида муассаса МИ қабул қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

9. МИ жойида ўрганиш натижалари сессиялар ва йил якунлари бўйича ОАК Мониторинг бўлими томонидан умумлаштирилиб, кўриб чиқиш учун ОАК Раёсатига киритилади ва тегишли қарор қабул қилинади.

10. МИни жойида ўрганиш натижалари юзасидан сессиялар ва йил якунлари бўйича таҳлилий маълумотнома «Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборотномаси»да чоп этиб борилади.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фаолиятини жойида ўрганиш бўйича услубий кўрсатмалар

1. Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фаолиятини жойида ўрганиш бўйича услубий кўрсатмалар (кейинги ўринларда Услубий кўрсатмалар деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2012 йил 24 июлдаги ПФ–4456-сонли фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низом» ҳамда «Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом»га мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Услубий кўрсатмалар фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар (кейинги ўринларда ИК деб юритилади) фаолиятини жойида ўрганиш тартибини белгилайди.

3. ИК фаолиятини жойида ўрганувчи Ишчи гуруҳи муайян муддатга Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-қоида комиссияси қарори билан ОАК бош инспекторлари, Илмий-эксперт кенгаши аъзолари ҳамда ОТМ ва ИТМ мутахассисларидан таркиб топган 3 нафар аъзодан иборат таркибда тузилади. Зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг қарори билан комплекс ўрганувчи ишчи гуруҳи тузилиши мумкин.

4. Ишчи гуруҳи ўз ишини Ўзбекистон Республикаси ОАК раҳбарияти имзолаган йўлланма хат асосида ҳузурида ИК фаолият юритаётган муассасада ташкил этиб, ўрганиш натижаси бўйича маълумотнома тайёрлайди.

5. Ҳузурида ИК фаолият кўрсатаётган муассаса ва ИК раҳбарияти Ишчи гуруҳи фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериши шарт.

6. Ишчи гуруҳи ўрганиш жараёнида қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратади:

а) ИК иш юритиш ҳолати. Фаолиятга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоғоз ёки электрон шакллариининг мавжудлиги (Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”ги қонунлари ҳамда расмий ҳужжатлар; Ўзбекистон Республикаси ОАК низомлари ва тегишли тартиблари; олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхати ҳамда ихтисосликлар паспортлари; ихтисослик бўйича малакавий имтиҳон дастури; етакчи ташкилотлар рўйхати; Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборотномаси; Фан доктори илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгаш тузиш ва

унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби; диссертация ва авторефератни расмийлаштириш қоидалари; Илмий кенгаш веб-саҳифасини юритиш бўйича мазмуний ва техник-дастурий талаблар; тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар);

б) ИК фаолиятида тегишли аттестация тадбирларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилиши (диссертацияни кенгашда дастлабки кўриб чиқиш ва ҳимояга қабул қилиш; кенгаш қошидаги илмий семинар фаолиятига тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб бориш; диссертация ва автореферат тўлиқ матнининг Интернет тармоғига жойлаштирилгани ва бошқа масалалар);

в) ИКда илмий даража талабгорлари билан ишлаш ҳолати (оғзаки ва ёзма мурожаатларни рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш; қабул қилиш куни ва соатларига риоя қилиш; қабул қилиш хонасининг мавжудлиги ва бошқа масалалар);

г) моддий-техник база ҳолати (ишчи хона билан таъминлангани; орг-техника билан жиҳозлангани (компьютер, аудио-видеотехника ва ҳоказо));

д) ИК веб-сайти (веб-саҳифаси)ни ўрнатилган тартибда юритиш ҳолати;

е) бошқа тегишли масалалар.

7. ИК иш юритишни талаб даражасида олиб бориш ва янгиликлар тўғрисида кенгаш аъзоларини мунтазам хабардор қилиб бориш учун рўйхатга олинган барча ҳужжатлар тўғрисида кенгашнинг навбатдаги ҳар мажлисида кенгаш аъзоларига мунтазам равишда ахборот бериб борилиши талаб этилади.

Илмий кенгашда мавжуд тартиб-қоидаларга риоя қилган ҳолда қуйидаги ҳужжатлар юритилади:

«Фан доктори илмий даражаси бўйича илмий кенгашга мурожаат қилган изланувчиларни рўйхатга олиш китоби»;

«Фан доктори илмий даражаси талабгорлари ҳужжатларини рўйхатга олиш китоби»;

«Расмий ва бошқа ҳужжатларни рўйхатга олиш китоби»;

аттестация иши ҳужжатлари;

ИК мажлиси кун тартиби (мажлис бўйича);

ИК аъзолари қайд варақаси (мажлис бўйича);

ёпиқ овоз бериш бюллетени (мажлис бўйича);

ИК хулосалари лойиҳалари (мажлис бўйича);

ИК ҳисоботлари ва уларнинг йиғма жилди;

муассаса веб-сайтидаги ИКнинг веб-саҳифаси;

тегишли бошқа ҳужжатлар.

«Фан доктори илмий даражаси бўйича илмий кенгашга мурожаат қилган изланувчиларни рўйхатга олиш китоби», «Фан доктори илмий даражаси талабгорлари ҳужжатларини рўйхатга олиш китоби» ҳамда «Расмий ва бошқа ҳужжатларни рўйхатга олиш китоби» рақамланган, тикилган ва муассаса раҳбарининг илмий ишларга масъул ўринбосари томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

«Фан доктори илмий даражаси бўйича илмий кенгашга мурожаат қилган изланувчиларни рўйхатга олиш китоби»да қуйидаги масалалар ўз аксини топади:

диссертация бажарилган муассасанинг йўлланма хати;

тақдим этилган ҳужжатларни илмий кенгаш раҳбарияти томонидан меъёрий-техник экспертизадан ўтказиш натижалари;

диссертацияни илмий кенгаш қошидаги илмий семинарга жўнатиш ва унинг натижаси;

диссертацияни илмий кенгашга ҳимоя учун қабул қилиш ёки рад жавоби бериш тўғрисида маълумот;

«Фан доктори илмий даражаси талабгорлари ҳужжатларини рўйхатга олиш китоби»даги қайд рақами.

«Фан доктори илмий даражаси талабгорлари ҳужжатларини рўйхатга олиш китоби»да қуйидаги масалалар ўз аксини топади:

диссертация бажарилган ташкилотнинг йўлланма хати;

«Фан доктори илмий даражаси бўйича илмий кенгашга мурожаат қилган изланувчиларни рўйхатга олиш китоби»даги қайд рақами;

талабгорнинг Ф.И.О.;

диссертацияни илмий кенгашга ҳимоя учун қабул қилиш;

тегишли маълумотларни Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайтида эълон қилиш бўйича ҳужжатлар тақдим этилган сана;

диссертация ҳимояси ҳақидаги маълумотларнинг Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайтида эълон қилинган сана;

диссертациянинг ошкора ҳимояси санаси ва натижаси;

аттестация ишини Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим этиш;

аттестация иши бўйича яуний қарор;

аттестация иши муассаса архивига топширилган сана.

«Расмий ва бошқа ҳужжатларни рўйхатга олиш китоби»да ҳужжатлар келган вақтдан бошлаб қуйидагилар рўйхатга олинади:

илмий кенгашга йўлланган барча расмий ҳужжатлар;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Ахборотномасида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид нашр этилган тегишли ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарорлари, Ўзбекистон Республикаси ОАК бўйича буйруқлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар);

нашр этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

фуқаролар мурожаати;

муассаса архивига топширилган ҳужжатлар ва бошқалар.

8. ИК ўрганиш жараёнида аниқланган барча камчиликлар муассаса ва ИК раҳбариятига маълум қилинади ва тегишли баённома тузилади.

9. Аниқланган камчиликлар юзасидан қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

жойида ҳал этиш мумкин бўлган камчиликлар тезкор бартараф этилади;

зарур ҳолларда ИК ўрганиш комиссияси тавсияси ва ОАК Тартиб-қоида комиссияси қарори асосида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади;

тегишли ҳолларда ИК ўрганиш комиссияси тавсияси, ОАК Тартиб-қоида комиссияси қарори асосида ОАК Раёсатининг қарорига кўра ИК фаолияти вақтинча тўхтатилади ёки тугатилади.

10. ИК ўрганиш натижалари ҳар чорак (зарур ҳолларда ҳар ой) якуни бўйича ОАК Котибияти томонидан умумлаштирилиб, кўриб чиқиш учун ОАК Раёсатига киритилади ва тегисли қарор қабул қилинади.

11. ИК ўрганиш натижалари юзасидан ҳар чорак якунлари бўйича таҳлилий маълумотнома «Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборотномаси»да чоп этиб борилади.

Докторлик диссертациясини баҳолаш мезонлари

1. Умумий қисм

1. Докторлик диссертациясини баҳолаш мезонлари «Фан доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низом» ва «Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом»га мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Докторлик диссертациясини баҳолаш мезонлари фан доктори илмий даражаси учун тайёрланган докторлик диссертациясини моҳиятан баҳолаш мезонларини белгилайди.

3. Докторлик диссертациясини баҳолаш мезонлари қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

диссертация мавзусининг долзарблигини баҳолаш;
диссертациянинг мақсади ва вазифалари ҳамда тадқиқот объекти ва предметини баҳолаш;
тадқиқот методологияси ва методикасини баҳолаш;
диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини баҳолаш;
муайян фан тармоқлари хусусиятлари асосида иш моҳиятини баҳолаш;
эълон қилинган илмий ишларни баҳолаш;
илмий натижани амалиётга жорий этилганини баҳолаш;
меъёрий-техник талаблари;
якуний натижаларни баҳолаш.

2. Мавзунинг долзарблигини баҳолаш

4. Диссертация мавзуси қуйидагиларга мувофиқ бўлиши зарур:
мавзуларнинг мамлакатимизда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги;
мавзунинг иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларнинг долзарб муаммолари илмий ечимларига йўналтирилгани;
мавжуд илмий салоҳиятдан самарали фойдаланиш имконининг мавжудлиги;
мавзунинг жаҳон илмий-техник тараққиёт тенденцияларига мувофиқлиги.

5. Диссертациянинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предметини баҳолаш қуйидаги мезонларга алоҳида аҳамият касб этади:

тадқиқот мақсадининг асосланганлиги, назарий ва амалий жиҳатдан аҳамиятлилиги;
вазифаларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, уларнинг изчиллиги;
тадқиқот предмети ва объектининг диссертациянинг мақсади ва вазифаларига мослиги ва асосланганлиги ҳамда уларнинг ихтисослик паспортига мувофиқлиги.

тадқиқ қилинаётган мавзунинг жаҳон илмий-техник тараққиёти тенденцияларига мувофиқлиги.

6. Тадқиқот методологияси ва услубиётини баҳолаш бўйича мезонлар:

тадқиқот методологиясининг миллий иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг стратегик мақсади ва устувор йўналишларига мувофиқлиги;

услубий ёндашувлар ва тадқиқот методларидан илмий асосланганлиги;

маълумотлар (ахборотлар) базасининг ишончлилиги ва аниқлилиги (тўғрилиги). Расмий статистик маълумотлар, ҳисобот, таҳлилий ва бошқа материаллардан фойдаланилгани; социологик тадқиқотларнинг илмий асослангани; хулосаларнинг апробациядан ўтказилгани;

хулосалар ва олинган натижаларнинг ишончлилиги, аниқлиги ва асосланганлиги. Таҳлил натижаларини уларнинг мантиқан бир-бирига зид бўлмагани;

фойдаланилган методлар, уларнинг тўғри ва асосли танланганлиги.

7. Диссертация илмий янгилиги ва амалий натижаларини баҳолаш мезонлари:

тадқиқотнинг илмий янгилиги диссертациянинг мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги, фанга илгари номаълум бўлиб, муайян ижтимоий (иқтисодий) самарага эга бўлган илмий ҳодиса ёки олинган (такомиллаштирилган) назарий ва методологик-услубий илмий ечим (ҳолат) ёхуд назарий аҳамиятга молик хулоса (таклиф) асосланганлиги;

амалий натижалари диссертациянинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ ҳолда илмий жиҳатдан асосланлиги ҳамда муайян иқтисодий ёки ижтимоий самарага эга бўлган ва амалий аҳамият касб этган таклиф (тавсия, хулоса) ва ечим (ечимлар мажмуи) асослаб берилганлиги.

8. Муайян фан тармоғи бўйича бажарилган диссертацияни моҳиятан баҳолаш мезонлари тегишли фан тармоғи хусусиятидан келиб чиққан ҳолда тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ равишда олинган илмий янгилиги ва амалий натижалари тизимли равишда қуйидагилар билан белгиланади.

Физика-математика фанлари бўйича бажарилган докторлик диссертациясида олинган (такомиллаштирилган) илмий янгилик ва амалий натижани баҳолаш қуйидаги хусусиятлар билан изоҳланади:

диссертация иши янги илмий натижаларни ўз ичига олиши, экспериментал ва назарий тадқиқотлар натижалари, қатъий далил-исботлар билан таъминланган фикрлар (теорема, хулосалар) шаклида расмийлаштирилиши лозим;

диссертация талабгор томонидан аниқланган ва қоида (теорема, хулосалар) кўринишида шакллантирилиб, ҳимояга олиб чиқиладиган, йирик илмий ютуқ ёки илмий муаммонинг ечими сифатида тан олиниши мумкин бўлган янги натижаларни ўз ичига олиши керак;

диссертация мавзусининг долзарблиги ҳал этилмаган илмий муаммони асосан кейинги 10-15 йил ичида дунёда чоп этилган илмий-техник адабиётлар таҳлили асосида расмийлаштирилганлиги, республикада олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларига мослиги билан

асосланади. Бунда, ихтисослик йўналишига яқин бўлган муаммолар қўйиладиган ва уларни ҳал қилиш бўйича турли хил ёндошувлар муҳокама қилинадиган илмий жамиятлар томонидан ўтказиладиган халқаро конференция ва симпозиумлар мавзусига мурожаат этиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, иш давлат дастурлари лойиҳалари, халқаро грант ёки лойиҳалар доирасида бажарилганлигини кўрсатиш мумкин, бу ҳам ишнинг долзарблигини тасдиқлайди;

диссертация ишининг математика, механика, физика ёки техниканинг тегишли бўлими ривожланишига қўшган ҳиссаси алоҳида таъкидланиши лозим;

натижаларнинг методик даражаси, ишончлилиги, ҳимоя қилинадиган қоида (ҳолат) ва ҳулосалар асосланган бўлиши лозим. Қўйилган вазифаларни бажариш учун фойдаланилган методларнинг замонавийлиги, бир-бирини ўзаро тўлдирадиган методлар ёрдамида экспериментал намуналар, объектлар, мисолларнинг етарлича миқдори билан олинган натижаларнинг қайта яратилиши (репрезентативлиги) баҳоланади. Экспериментал натижаларнинг ишончлилиги муаллиф томонидан расмлар ва жадвалларда акс эттирилган асбоб-ускуналардаги хатоликлар ва эксперимент натижаларини статистик таҳлил қилиш йўли билан исботланади. Назарий ишларда яратилган назария ёки механизмнинг ишончлилигини бошқа муаллифларнинг экспериментлари билан тасдиқлаш мақсадга мувофиқ ва аксинча, экспериментал натижалар, агар бу янги ҳодиса ёки қонуннинг кашф этилиши бўлмаса, назариялар/моделлар доирасида муҳокама қилинади ва тавсифланади. Техник ечимнинг ишончлилиги талабгор ишлаб чиққан технологияга асосан олинган янги материални, асбоб-ускунани тақдим қилиш билан исботланади. Ҳимоя қилинаётган қоидалар (ҳолатлар) асосланган, мантикий изчиллик ва ўзаро боғлиқликда тақдим этилган, диссертация мақсадига мувофиқ, илмий ютуқ ёки ҳал этилган муаммонинг расмийлаштирилиши билан тугалланган бўлиши лозим;

диссертация назарий натижаларининг экспериментал (тажрибада) исботланганлиги, ишда фойдаланилган методлар, улардан фойдаланишнинг мақсади ва тўғрилиги кўрсатилиши лозим. Талабгор методлардан фойдаланишни, уларнинг миқдорини, ўзаро бир-бирини тўлдиришини, эҳтимолий корреляцияси ва қўйилган вазифаларга адекватлигини асослаб бериши керак. Ҳар бир методнинг самарадорлиги (ахборотлилиги, сезгирлиги) ва мақсадга эришиш даражаси баҳоланади;

математик статистика методларидан фойдаланиш ва олинган натижаларнинг ишончлилиги – эксперимент билан боғлиқ бўлган илмий ишни баҳолашнинг энг муҳим мезонларидан бири. Ўлчанадиган экспериментал боғлиқликни «хом» бошланғич маълумотлар ва ҳимоя қилинадиган илмий натижа (қоида, ҳолат) сифатида аниқ фарқлаш лозим. Илмий натижа (қоида, ҳолат) фақат статистик қайта ишлаш ва математик таҳлилдан кейингина олинади;

фундаментал ва амалий тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти турлича аниқланади: методик ёндашув, натижаларни қайта ишлаш

механизми, модели, дастури, материал, илмий қурилма, маъруза курсига қўшимча ва бошқалар. Олинган назарий натижаларнинг экспериментал тасдиқланиши (исботланиши) муҳим мезон ҳисобланади. Диссертацияда таклиф этилган назария ёки механизм бажарилган экспериментни изоҳлайди, ёхуд назарий ёлган янги назарий қонуниятларни тасдиқлаши мумкин бўлган экспериментни таклиф этади;

янги ёки такомиллаштирилган материал, илмий қурилма яратишнинг муайян технологиясини ишлаб чиқишга етказилган, патент ёки лицензия, сертификат расмийлаштирилган, ишлаб чиқарувчи корхона билан шартнома тузилган ва потенциал истеъмолчиси топилган ишлар юқори баҳоланади.

Техника фанлари бўйича бажарилган докторлик диссертациясида олинган (такомиллаштирилган) илмий янгилик ва амалий натижаларни баҳолаш қуйидаги хусусиятлар билан изоҳланади:

диссертация ишининг техниканинг тегишли бўлими ривожига қўшган ҳиссаси таъкидланиши лозим;

қўйилган вазифаларни бажариш учун фойдаланилган методларнинг замонавийлиги, бир-бирини ўзаро тўлдирадиган методлар ёрдамида экспериментал намуналар, объектлар, мисолларнинг етарлича миқдори билан олинган натижаларнинг қайта яратилиши (репрезентативлиги) баҳоланади. Экспериментал натижаларнинг ишончилиги тадбиқ этилаётган ёки ўрганилаётган объектнинг назарий моделларига монандлиги ҳамда эришилган ёки келажакда кутилаётган самарадорлик билан исботланади. Назарий ишларда яратилган назария ёки механизмнинг ишончилигини бошқа муаллифларнинг экспериментлари билан тасдиқлаш мақсадга мувофиқ ва аксинча, экспериментал натижалар, агар бу янги ҳодиса ёки қонуннинг кашф этилиши бўлмаса, назариялар/моделлар доирасида муҳокама қилинади ва тавсифланади. Техник ечимнинг ишончилиги талабгор ишлаб чиққан технология асосида олинган, конкрет ишлаб чиқаришга жорий қилинган янги материал, ишловчи объект (прибор, асбоб-ускуна, машина ва шу кабилар)ни тақдим қилиш билан исботланади. Ҳимоя қилинаётган қоидалар (ҳолатлар) асосланган, мантиқий изчиллик ва ўзаро боғлиқликда тақдим этилган, диссертация мақсадига мувофиқ, илмий ютуқ ёки ҳал этилган муаммонинг расмийлаштирилиши билан тугалланган бўлиши лозим;

диссертация назарий натижаларининг экспериментал (тажрибада) исботланганлиги;

математик статистика методларидан фойдаланиш ва олинган натижаларнинг ишончилиги – илмий ишни баҳоланишнинг энг муҳим мезонларидан бири. Ўлчанадиган экспериментал боғлиқликни «хом» бошланғич маълумотлар ва ҳимоя қилинадиган илмий натижа (қоида, ҳолат) сифатида аниқ фарқлаш лозим. Илмий натижа (қоида, ҳолат) фақат статистик қайта ишлаш ва математик (функционал) таҳлилдан кейингина олинади. Масалан, ишда қандайдир экспериментал боғлиқлик келтирилса, унда ўлчашдаги хатоликлар ва бир неча экспериментал намуналар бўйича статистик таҳлилни кўрсатиб бериш керак;

фундаментал ва амалий тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти турлича аниқланади: методик ёндашув, натижаларни қайта ишлаш механизми, модели ва дастури, материал, прибор, асбоб-ускуна, машина, маъруза курсига қўшимча ва бошқалар;

олинган назарий натижаларнинг экспериментал тасдиқланиши (исботланиши) муҳим мезон ҳисобланади. Ёки диссертацияда таклиф этилган назария ёки механизм бажарилган экспериментни изоҳлайди, ёхуд назариётчи олган янги назарий қонуниятларни тасдиқлаши мумкин бўлган экспериментни таклиф этади.

Ер ҳақидаги фанлар бўйича бажарилган докторлик диссертациясида олинган (такомиллаштирилган) илмий янгилик ва амалий натижаларни баҳолаш қуйидаги хусусиятлар билан изоҳланади:

талабгор томонидан ўрганилаётган минтақа (ёки ер қобиғи участкасининг) салоҳиятини янгича баҳолаш имконини берадиган турли Давлат (геологик, минералогик-геокимё, вулканик ва магматик тузилмалар, геофизик, гидрогеологик, ландшафт, экологик ва бошқалар) хариталарининг тузилганлиги;

патент билан ҳимояланган ихтиролар (янги минерал, пармалаш жихозлари, фойдали қазилмаларни олиш, қайта ишлаш технологияси ва бошқалар) мавжудлиги;

амалиётда қўлланаётган рудаларни қайта ишлаш, уларни бойитиш, фойдали (ва/ёки зарарли) компонентларни аниқлашнинг янги ёки такомиллаштирилган методлари ва бошқалар;

талабгор томонидан ишлаб чиқилган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган фойдали қазилмаларни излашни режалаштириш ва конларни разведка қилиш, ерости заҳираларини, минтақанинг геоэкологик ҳолатини баҳолашни янгича асосда қуриш бўйича йўриқномалар ёки методик қўлланмалар (меъёрий ҳужжатлар);

амалга оширишдан иқтисодий самарадорлик мавжуд бўлса, тегишли ҳужжатлар илова қилинади;

тадқиқот минтақасини тобора тўлиқ тавсифлаш имконини берадиган геологик (ва бошқа ихтисослаштирилган) харита ва кесимларнинг кўргазмалилиги;

хулосаларнинг ишончлилигини белгилаб берадиган ихтисослаштирилган аналитик (таҳлилий) таъриф ва кузатишларнинг кўргазмалилиги (фойдали қазилма генезиси, рудаларни қайта ишлаш технологияси, геологик, табиий, ландшафт, гидрогеологик, сейсмик ва бошқа ҳодиса ёки жараёнларнинг сабаблари ёки намоён бўлиш қонуниятлари бўйича);

ахборотни қайта ишлашда математик статистика методлари ёки компьютер технологияларидан фойдаланганлик даражаси;

адабиётлар шарҳи ва ўрганилаётган муаммо ҳолатининг даражаси, унда республикада ва зарур ҳолларда хорижда ҳал этилмаган жихатларининг таъкидланганлиги;

конларни қидириш, разведка қилиш, географик, иқлим, геологик, технологик ёки бошқа ҳодиса ва/ёки параметрларни баҳолашнинг илмий

асослари ишланганлиги, янги методларнинг синалганлиги ёки мавжудларининг такомиллаштирилганлиги.

Кимё ва фармацевтика фанлари бўйича (*тегишлилига кўра*) бажарилган докторлик диссертациясида олинган (такомиллаштирилган) илмий янгилик ва амалий натижаларни баҳолаш қуйидаги хусусиятлар билан изоҳланади:

янги ноорганик, органик, юқори молекуляр ва табиий бирикмаларни синтезлаш, таҳлил қилиш, айланишлари ва модификациялари қонуниятларини тадқиқ қилиш;

супрамолекуляр комплекслар, наноструктуралар ҳосил бўлиш жараёнлари қонуниятларини тадқиқ қилиш, нанотехнология бўйича муммоларни тадқиқ қилиш;

"структура – хосса" боғлиқлиги қонуниятларини молекуляр даражада тадқиқ қилиш;

замонавий физик-кимёвий, аналитик методлар комплексининг қўлланилганлиги. Фойдаланилган методларнинг асосланганлиги. Олинган натижаларнинг статистик қайта ишланганлиги;

қонуниятлар, механизмларнинг аниқланиши, олинган натижаларнинг структуравий-функционал таҳлили. Натижалар муҳим муаммоларни ҳал қилиш имконини бериши ва янги илмий йўналишнинг ривожини учун аҳамиятлилиги;

“структура – хоссалар” боғлиқлигини аниқлаш. Маълум соҳада потенциал қўлланиш объектлари саналган янги моддалар, материаллар, дори воситалари, маҳсулотлар олиш;

кимё-технология жараёнлари қонуниятларини тадқиқ қилиш ва янги иқтисодий фойдали ҳамда рақобатбардош технологияларни яратиш;

ноорганик, органик, полимер ва табиий хом ашё асосида янги маҳсулотлар тайёрлаш;

кимё, қурилиш, озиқ-овқат саноати, целлюлоза-қоғоз, машинасозлик, фармацевтика ва қишлоқ хўжалиги соҳалари учун маҳсулот ва материаллар олишнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашнинг янги рақобатбардош технологияларини ишлаб чиқиш;

аввалдан маълум бўлган ёки янгитдан яратилган бирикма, материал, маҳсулотни, дори воситаларини олишнинг янги технологиясини ишлаб чиқиш. Янги технология бўйича олинган маҳсулотга илмий-техник ҳужжатлар ва технологиялар ишлаб чиқиш;

илмий-техник ҳужжатларни тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш. Саноат-тажриба синовлари далолатномалари. Соҳанинг мазкур маҳсулот, прибор, жиҳозга эҳтиёжи ҳақида маълумотнома;

тажриба партиясини ишлаб чиқариш ва унинг Илмий-техник ҳужжатларга мувофиқлиги;

техника фанлари бўйича докторлик диссертация ишлари учун илова тарзида ишланган маҳсулотга норматив-техник ҳужжатлар ёки тасдиқланган ишлаб чиқилган технологияга технологик регламентлар тақдим этилиши

ЛОЗИМ.

Биология фанлари бўйича бажарилган докторлик диссертациясида олинган (такимиллаштирилган) илмий янгилик ва амалий натижаларни баҳолаш қуйидаги хусусиятлар билан изоҳланади:

диссертация иши Республика ва регион учун муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик долзарб илмий ёки амалий биологик муаммоларни ҳал этишга қаратилган бўлиши лозим;

диссертация доирасида биологиянинг истиқболли йўналишларини ривожлантиришда маълум бир ютуқ деб баҳолаш мумкин бўлган янги назарий қоидалар мажмуи ишлаб чиқиши керак;

жорий этилиши биология фанини ва унга мос иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга ҳисса қўшадиган илмий асосланган ечимлар олиниши керак;

адабиётлар таҳлили тадқиқот мақсад ва вазифаларига мос келиши, тадқиқ қилинаётган муаммонинг ҳозирги ҳолати ҳақида тасаввур ҳосил қилиниши, таҳлилнинг хулоса қисмида мазкур биологик муаммо бўйича тадқиқотлар олиб бориш зарурати батафсил асослаб берилиши лозим;

ишда фойдаланилган материаллар, биологик экспериментларнинг шарт-шароитлари батафсил баён қилиниши керак. Тадқиқот методлари замонавий бўлиши ва қўйилган вазифаларга мос келиши керак. Олинган натижаларга қайси метод бўйича статистик ишлов берилганлиги ва компьютер технологиялари қай даражада қўлланилганлиги кўрсатилиши лозим;

хулоса, тақлиф ва тавсиялар тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари бўйича аниқ жавобларни ўз ичига олиши шарт;

диссертациянинг хулоса қисмида ишнинг асоси ҳисобланувчи биологиядаги янги йирик назарий ва амалий ютуқнинг моҳияти берилиши керак;

тадқиқ қилинаётган биологик объектларнинг тури ва кўринишини тавсифлашда Линнейнинг бинар номенклатурасига ва биологик объектларнинг замонавий классификациясига қатъий риоя қилиш зарур. Иллюстратив материаллар юқори сифатга эга бўлиши ва асли тақдим этилиши керак;

диссертацияга киритилган барча илмий натижалар, ҳимоя қилинадиган қоидалар ОАК рўйхатига киритилган илмий нашрларда эълон қилинган бўлиши ва ОАК талабларига жавоб бериши лозим;

диссертация натижаларидан амалиётда фойдаланилаётганлик тўғрисидаги жорий этган ташкилотнинг ҳужжатлари ўзи тасарруфида бўлган давлат бошқарув органининг тегишли ҳужжатлари билан мазкур илмий натижа(лар)нинг тармоқ учун аҳамиятига баҳо берилиб, диссертация иши натижаларини амалиётга кенг жорий этиш бўйича тавсиялар фан доктори илмий даражасини олишга талабгорнинг исми шарифи ва диссертация иши мавзуси кўрсатилган ҳолда тасдиқланган бўлиши лозим;

диссертация илмий натижалари республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда апробация қилиниши лозим;

эълон қилинган ишлар сони ва даражаси диссертация мазмуни ва ОАК

талабларига мувофиқ бўлиши, ҳар бир боби бўйича эълон қилинган ишлари мавжуд бўлиши шарт;

мақолаларда диссертация натижаларининг назарий ва методологик аҳамияти ёритиб берилиши, кўриб чиқиладиган муаммоларни ривожлантиришдаги сўнгги концептуал қарашлар таҳлил қилинган ва қиёсланган бўлиши лозим. Бундан ташқари, мақолаларда талабгор томонидан илмий натижаларни миллий иқтисодиётда қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги борасидаги қарашлари келтирилган бўлиши керак;

диссертация иши ОАК талабларига мувофиқ расмийлаштирилиши шарт. Автореферат мазмуни диссертация ишига мос бўлиши лозим. Диссертация ишини баён қилишнинг мантиқийлиги ва аниқлиги, шунингдек, саводхонлиги инобатга олинади керак. Диссертация ва диссертация авторефератини расмийлаштириш бўйича техник талабларга риоя қилиниши шарт;

илмий даражага талабгорлар мустақил равишда илмий муаммоларни қўя оладиган, илмий раҳбарликни олиб бора оладиган, биологиянинг муайян тармоқларида кўзга кўринган мутахассислар бўлиши лозим.

Қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари бўйича бажарилган докторлик диссертациясида олинган (такомиллаштирилган) илмий янгилик ва амалий натижаларни баҳолаш қуйидаги хусусиятлар билан изоҳланади:

хўжалик учун аҳамиятли белгиларнинг ўзгарувчанлиги қонуниятларини, кейинги тўпланмаларда белгиларнинг ирсийлигини тадқиқ қилиш;

селекция учун дастлабки ва фойдаланиладиган материалнинг генетик асосини бойитиш қонуниятларини тадқиқ қилиш;

селекцияга оид ютуқларнинг мавжудлиги, сермахсул гуруҳ, йўналиш, завод типи ва шу кабилар яратилганлиги;

сақлаб қолиш ва қайта яратиш, юқори, барқарор ва экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ва уруғчилик материалларини олиш, уларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоялаш бўйича фундаментал тадқиқотларни комплекс ҳал этиш, деҳқончилик технологиялари ва суғориладиган ерлар мелиорациясини такомиллаштириш;

селекциянинг турли йўналишлари учун хўжалик бўйича аҳамиятли белгилар манбаларини ажратиш;

гибридлаш учун ота-она шакллари танлашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалик ўсимликларининг янги навлари ва гибридларини яратиш;

қишлоқ хўжалик ўсимликларининг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уруғчилик технологияларини ишлаб чиқиш ёки такомиллаштириш;

компост – чорвачилик, маиший ва саноат чиқиндиларидан органик ўғитлар тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалик ҳайвонларида турли касалликларнинг олдини олиш йўллари ишлаб чиқиш ва уларни даволаш учун малҳамнинг (сыворотки) янги турларини олиш йўллари ишлаб чиқиш;

тупроқ-иқлимий шароитларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги

ўсимликлари учун минерал ва органик ўғитлардан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишнинг янги методларини ишлаб чиқиш.

Тиббиёт фанлари бўйича бажарилган докторлик диссертациясида олинган (такмиллаштирилган) илмий янгилик ва амалий натижаларни баҳолаш куйидаги хусусиятлар билан изоҳланади:

иш методологик жиҳатдан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг мазмун-моҳиятига монанд бўлиши ҳамда илмий янгилик ва амалий натижаларнинг соҳадаги устуворликлар ва вазифаларга, шунингдек, тиббиёт фани тарақиётининг илғор тенденцияларига мувофиқлиги;

якуний натижалар қиёсланиши пациентларнинг (камида) иккита рандомизацияланган гуруҳида амалга оширилганлиги. Экспериментал тадқиқотлар натижалари қиёси ҳайвонларнинг асосий гуруҳидан фақат битта (тадқиқ қилинаётган) белги бўйича фарқ қиладиган ҳайвонларнинг назорат гуруҳида ўтказилган (сохта операцияланган, дори-дармон ёки токсик препаратларнинг эритмалари киритилиши ва шу кабилар) бўлиши;

пациентлар гуруҳлари қиёсланадиган, клиник кўринишлари, жинси, ёши, ирқига кўра бир турда бўлиши;

пациентлар гуруҳлари, экспериментал (тажриба ўтказиладиган) ҳайвонлар гуруҳлари репрезентатив бўлиши;

кузатиш давомийлиги (имкониятларни мажбурий ҳисобга олиш);

«Исботли медицина», «Экспериментал ҳайвонлар билан ишлаш бўйича Женева конвенцияси» тамойиллари ва «Хельсинки Декларацияси» форматида риоя этилганлиги;

натижалар амалий аҳамиятга эга бўлиши;

касалликларни даволаш ва олдини олиш бўйича ишларда: гуруҳлар рандомизацияланган тарзда танлангани; дастлаб жалб қилинган пациентларнинг 80 %дан ортиғи кузатилгани; олинган натижалар клиник амалиётда объектив қабул қилинган стандарт натижалари билан қиёслангани; қиёслаш учун танланган таваккал (хавотир) ва назорат гуруҳлари аниқ белгиланган бўлиши;

олинган натижалар таҳлили ва қайта ишланганлиги;

тадқиқот объектлари сони, ҳар бир тадқиқот экспериментал гуруҳи камида 6 ҳайвонни даволаган бўлиши.

Иқтисодиёт фанлари бўйича бажарилган докторлик диссертациясида олинган (такмиллаштирилган) илмий янгилик ва амалий натижаларни баҳолаш куйидаги хусусиятлар билан изоҳланади:

иш методологик ва услубий жиҳатдан иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳиятига монанд бўлиши, илмий янгилик ва амалий натижаларнинг устуворликлар, иқтисодиётни модернизация қилишнинг долзарб вазифалари ва фан-техника тарақиётининг илғор тенденцияларига мувофиқлиги;

илмий янгилик ва амалий натижалар расмий материаллар ва статистик маълумотлар, илмий изланишлар натижалари, социологик тадқиқотлар, экспериментал кузатишлар ва ишончли манбалар асосида илмий жиҳатдан қайта ишланган материаллар негизида олинганлиги (умумлаштирилганлиги);

умумлаштириш натижаларининг статистик жиҳатдан қайта ишланган-

лиги ва тизимлаштирилганлиги;

тадқиқотларнинг иқтисодий жараёнларни чуқур таҳлил қилиш, мавжуд тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимини илмий асослаб беришга қаратилганлиги;

тадқиқот моҳиятининг ихтисослик паспортига мослиги;

тадқиқотлар камида беш йиллик даврни қамраб олган материаллардан иборатлиги ҳамда тадқиқот объекти сифатида мамлакат, минтақа, тармоқ ёки йирик ишлаб чиқариш мажмуаси, ижтимоий-иқтисодий жараён ёхуд ҳодиса даражасида бажарилганлиги.

Тарих фанлари бўйича бажарилган докторлик диссертациясида олинган (такомиллаштирилган) илмий янгилик ва амалий натижаларни баҳолаш қуйидаги хусусиятлар билан изоҳланади:

тадқиқотда ўрганилган тарихий муаммонинг илмий янгилиги, анъанавий ва замонавий тадқиқот усуллари асосида бажарилганлиги;

ватан ва жаҳон тарихшунослигида қўйилган масаланинг ўрганилиш даражасининг очиб берилганлиги;

тадқиқот натижаларининг аниқ бир йўналишдаги билимларни ривожлантиришга янги ҳулосаларга асос бўлиши;

тадқиқот Ўзбекистон ва жаҳон тарихининг долзарб муаммоларидан бирига оид бўлиб, ўрганилаётган муаммо муҳим илмий ва амалий аҳамиятга молик муаммо доирасида бўлиши.

Фалсафа, юридик ва социология фанлари бўйича бажарилган докторлик диссертациясида олинган (такомиллаштирилган) илмий янгилик ва амалий натижаларни баҳолаш қуйидаги хусусиятлар билан изоҳланади:

концептуал ғояларнинг аввал ҳимоя қилинган диссертациялар ғоялари билан қиёсланиши, талабгор томонидан ўз ғояларини уларнинг муаллифлари билан илмий мунозарага киришиш асосида асослаб берилиши;

тадқиқотда оддий хабарларнинг йўқлиги, талабгорнинг ўз мустақил фикрлаш малакаси ва мавзуни ўрганганлигини намоён эта олиш қобилияти;

диссертация мавзуси ва параграфларининг мазмуни ўзаро мувофиқ келиши;

диссертация мазмунининг янги материаллар асосида ёритилиши, мавжуд материаллардан фойдаланганда аниқ ҳаволаларнинг келтирилиши, янги ва аввал нашр қилинган материалларнинг қиёсланиши, улар асосида ўз илмий ғояларининг ишлаб чиқилганлиги ва асосланганлиги;

талабгор ўрганилаётган соҳани чуқур билиши, мавзуни мустақил таҳлил қилиши, янги ғояларни ишлаб чиқиши ва уларни асослаб бериши;

юридик фанлар бўйича фан доктори илмий даражасига талабгорлар ишнинг республика ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан боғлиқлигини кўрсатиб бериши, шунингдек, миллий ва хорижий мамлакатларда бажарилган тадқиқотлар таҳлили натижаларини қиёслаши ва аниқланган тафовутларни асослаб бериши;

фалсафа соҳаси бўйича фан доктори илмий даражасига талабгорлар мавзу фаннинг тегишли йўналишига мувофиқлиги ҳамда илмий асосланганлигига баҳо бериши керак. Фалсафа фанининг соҳаларидан

бирида мавжуд катта муаммонинг ҳал қилинишига мустақил ёндашувни, янги илмий йўналиш шакллантирилганини кўрсатиб бериш зарур;

социология соҳаси бўйича фан доктори илмий даражасига талабгорлар томонидан ўтказилган социологик сўровларнинг илмий ва амалий асосланганлиги. Масалани ўрганиш методологиясининг аниқлиги, сўров натижасида олинган натижаларни таҳлил қилиш даражаси, улар асосида тегишли тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги, уларнинг аҳамияти аниқ кўрсатилганлиги;

диссертацияни илмий семинар ва илмий кенгашларда кўриб чиқилиши: илмий баҳс ва мунозаралар даражаси, талабгорнинг ўз илмий салоҳиятини намоён эта олиш қобилияти, кенгаш аъзоларининг фаол иштироки;

ижтимоий-гуманитар фанлар соҳаларида экспериментал кузатишлар, ижтимоий фикрни статистик методлар ёрдамида ўрганиш натижаларининг қайта ишланганлиги, шунингдек, уларнинг республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида, таълим, тарбия жараёнида қўлланилиши;

диссертациянинг назарий ва амалий натижаларининг ишончлилиги, умумлаштирилганлиги, тизимлаштирилганлиги.

Филология фанлари бўйича бажарилган докторлик диссертациясида олинган (такмиллаштирилган) илмий янгилик ва амалий натижаларни баҳолаш куйидаги хусусиятлар билан изоҳланади:

диссертация тадқиқотчи томонидан мустақил бажарилган, ҳозирги замон жаҳон филологиясида эътироф этилган энг илғор илмий-назарий қарашларни ўзида мужассамлаштирган, талабгор томонидан таҳлил қилинган фактик материаллар, бадиий матн намуналари ва лингвистик ишланмалар асосида жамиятнинг маънавий тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган долзарб илмий муаммони ҳал этишга қаратилган, филология фанларининг муайян соҳалари бўйича истиқболли йўналишлар тараққиётини белгиловчи назарий концепцияларни илгари сурган, янги назарий умумлашмалар ва хулосалар чиқарилган илмий иш бўлиши;

талабгор ўз ишида филологик тадқиқотлардан хабардорлиги ва улардан фойдаланиш малакасини тўла намоёиш этиши, ўрганилаётган масала бўйича мавжуд назариялар ва ғояларни қиёсий таҳлил қилиб, ўз мустақил фикрини баён этиши асносида мавзу юзасидан янги илмий қарашларни илгари суриши;

диссертацияда талабгорнинг халқимиз поэтик тафаккурининг ўзига хос қонуниятларини яхши билиши, бадиий асарларни илмий тадқиқ этиш жараёнида филологик таҳлилдан фойдаланиш даражаси ва соҳага оид бадиий адабиётларни, матнларни филологик нуқтаи назардан баҳолай олиш имконияти акс этиши;

тилнинг моҳияти, вазифалари ва тараққиёти билан боғлиқ қонуниятларни теран англаши, бу қонуниятларнинг намоён бўлишида юзага келадиган янги ҳолатларни илмий асослай олиши ва шу асосда муайян янги лингвистик қоидаларни шакллантириши;

турдош соҳаларга оид, диссертация мавзусига дахлдор илмий ва бадиий манбалар билан танишганлиги, ўрганилаётган предмет моҳиятини, асосий

назарий қарашларни акс эттирган илмий-адабий термин ва лисоний тушунчаларни мукаммал ўзлаштирганлиги ва улардан ўз ишида фойдалана билиш даражаси;

мумтоз адабиёт, тил тарихи, адабий манбашунослик ва матншунослик соҳасида фан доктори илмий даражасига талабгорлар томонидан тайёрланган диссертацияларда тадқиқотчининг:

қўлёзмаларнинг палеографик хусусиятларини яхши билиши ва манбаларни матний тавсифлаш малакасига эга бўлиши;

араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувини билиши;

кадимги қўлёзмаларни аслиятда (асл нусхада) ўқий олиши;

форс ва араб тилларини билиши;

луғатлардан фойдаланиш малакаси ўз аксини топганлиги.

журналистика соҳаси бўйича фан доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертациялар энг замонавий халқаро ва миллий оммавий коммуникация назарияларининг концепцияларига мос бажарилганлиги, охириги йилларда чоп этилган ҳамда кенг илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилган монография ва илмий мақолалардаги ғоялар базасида яратилганлиги, ҳозирги замон журналистикасининг илғор амалиётини акс эттириши ва мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, интернет журналистикасининг жадал ривожланишини таъминлайдиган назарий умумлашма ва тавсияларни илгари сурган бўлиши;

диссертация замонавий тилшунослик ва адабиётшуносликнинг долзарб муаммоларига бағишланган бўлиши, ҳозирги замон жаҳон филология илми андозасида ёзилиши ҳамда замонавий тадқиқотлар олдида қўйиладиган талабларга жавоб бериши, эришилган натижалар ҳозирги давр филологиясининг моҳиятини акс эттириши, тадқиқотнинг методологик асосини жаҳон филологиясининг замонавий концепциялари ва илғор ишланмалари ташкил этиши;

диссертацияда таҳлилга тортилган фактик материаллар ва манбаларнинг ишончлилиги, илмий-назарий хулосаларнинг янгилиги, амалий тавсиялар ва умумлашмаларнинг муҳимлиги, эълон қилинган материаллар ва эришилган натижаларнинг жаҳон фани стандартлари даражасида эканлиги;

бадий матнни филологик тадқиқотлар методологиясининг энг замонавий талаблари асосида тадқиқ қилиш натижасида олинган илмий-назарий хулосалар ва амалий тавсияларнинг маънавий қадриятларни янада такомиллаштириш ва тараққий эттириш ҳамда таълим, тарбия жараёнида муҳим аҳамиятга моликлиги.

Педагогика ва психология фанлари бўйича бажарилган докторлик диссертациясида олинган (такомиллаштирилган) илмий янгилик ва амалий натижаларни баҳолаш куйидаги хусусиятлар билан изоҳланади:

долзарб ва истиқболли мавзунинг танланиши, тадқиқот муаммосининг долзарблигининг асосланганлиги, кутилаётган натижа сифатида мавзунинг назарий ва амалий аҳамиятининг лойиҳаланиши, бошланғич методологик ҳолатларни аниқлаштирилганлиги, репрезентатив манбалар ва тадқиқот адекват методларининг танланиши, илмий гипотезанинг текширилганлиги,

тадқиқот вазифалари тизимининг шаклланганлиги, ахборотларни йиғиш ва қайта ишлашда мақсадга мувофиқ жараёнларнинг танланиши ва жорий қилинганлиги, асосланган хулоса, тавсия ва ҳимояга олиб чиқиладиган ҳолатларнинг шакллантирилиши;

педагогик ёки психологик ғоя ва қарашларнинг аввал ҳимоя қилинган диссертациялар ғоялари билан қиёсланиши, талабгор томонидан ўз қарашларини асослаб берилиши, олинган натижаларнинг ишнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги, тадқиқот объекти ва предметининг тўғри танлангани, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти;

тадқиқотда аввалдан маълум илмий янгиликларнинг йўқлиги, талабгорнинг мустақил фикрлаш малакаси ва мавзуни ўрганганлигини намоён эта олиш қобилияти, тадқиқот доирасида олинган илмий натижаларни мазмунан асосли ва кенг талқин этилганлиги;

танланманинг репрезентативлиги, тажриба-синов базасини танланиши асосланганлиги, тажриба-синов базасининг салоҳияти ва имкониятларининг ўрганилганлиги, тажриба-синов ишлари натижаларини математик статистика усулларида фойдаланиб қайта ишланиши бўйича ҳисоб-китобларнинг аниқлиги (корректлиги);

олинган натижа ва хулосаларнинг ишончлилиги, уларнинг амалиётга жорий этилганлиги, тадқиқотнинг илмий янгиликларини жорий этиш кўламининг мақсадга мувофиқлиги, амалиётга жорий қилинган янгиликларга тегишли ташкилот ва идораларнинг хулосалари асосланганлиги, амалиётга жорий қилинган янгиликларнинг самарадорлигини асосланганлиги;

диссертация матнида илмий асосланган терминларни мазмунан тўғри ишлатилганлиги, шахсий назарий ва эмпирик материаллардан келиб чиқадиган хулосаларнинг тўғри баён этилганлиги, фан соҳасига қўшилган шахсий улушнинг кўрсатилганлиги, диссертация матнини белгиланган талабларга мос тайёрланганлиги;

диссертация ишининг апробациядан ўтказилганлик даражаси, диссертациянинг асосий натижаларини илмий нашрларда эълон қилиниши кўлами, илмий семинарларда муҳокамаларда қатнашган соҳанинг етук олимлари салмоғи, иш бажарилган ташкилот, илмий семинар, тажриба-синов ишлари ўтказилган муассаса, расмий оппонентларнинг диссертация ишига хулосаларининг етарли асосланганлиги;

олинган натижаларнинг педагогика ва психология фанларининг ривожланиш даражасига, ўтказилган тадқиқотларнинг илмий изланишлар услубига, ишнинг илмий ва тадқиқот даражасини фан доктори даражасига мослиги.

Санъатшунослик ва архитектура бўйича бажарилган докторлик диссертациясида олинган (такомиллаштирилган) илмий янгилик ва амалий натижаларни баҳолаш қуйидаги хусусиятлар билан изоҳланади:

санъатшунослик, архитектура, маданиятшунослик соҳаларида тадқиқотчилик иши жараёнида амалиётни кузатиш, ижтимоий фикрни статистик методлар ёрдамида ўрганилганлиги, уларнинг республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида, таълим, тарбия, ривожлантириш жараёнида қўлланилиши;

диссертацияда экспериментал (тажриба, амалий) ишларнинг мавжудлиги ва уларнинг назарий тадқиқот натижаларини тасдиқлашдаги аҳамияти;

диссертация натижалари ва хулосаларининг илмий янгилиги. Уларнинг шу йўналиш бўйича мавжуд ишлар натижалари ва хулосаларидан фарқи;

диссертация ишининг илмий семинар, конференция, илмий-техник кенгашларда муҳокама қилинганлиги. Расмий оппонентлар, етакчи ташкилот тақризлари ва илмий семинарлар хулосалари мазмунининг объективлиги ва даражаси;

қўрилаётган диссертация бўйича илмий кенгашнинг умумий хулосалари мувофиқлиги/номувофиқлиги даражаси;

мазкур диссертацияга илмий кенгашнинг баҳоси, хулосанинг объективлиги ва ишончлилиги;

мазкур фаолият соҳаси вакиллари – амалиётчиларнинг илмий кенгашда диссертацияни ҳимоя қилиш жараёнида иштироки.

8. Докторлик диссертациясининг илмий ёки амалий натижаларини тадқиқот объектига мувофиқ ҳолда амалиётга жорий этилиши «Диссертация ишлари илмий натижаларини амалиётга жорий қилишга тақдим этиш ва самарасини баҳолаш бўйича йўриқнома» га асосан баҳоланади.

9. Эълон қилинган ишларни меъёрий-техник жиҳатдан баҳолаш:

илмий янгилик ва амалий натижалар эълон қилинган журналлар ОАК томонидан республика ва хорижий нуфузли илмий журналларга қўйилган талабларга жавоб бериши;

нашр ишларида ўрганилаётган муаммонинг ҳозирги кундаги ҳолатини, шунингдек, тадқиқ қилинаётган соҳада истиқболли талабларни объектив ва чуқур таҳлил қилиш орқали қўйилган вазифаларни илмий-назарий, методологик ва амалий жиҳатдан ҳал этиш таклифлари берилиши лозим;

диссертациянинг ҳар бир боби бўйича муҳим ҳолатлар (социологик тадқиқотлар, тажрибалар, синовлар, ўрганишлар, сўровномалар ва бошқалар) бўйича олинган натижалар чуқур таҳлил қилиниб, талабгор шарҳи билан мақолаларда ёритилиши керак.

10. Эълон қилинган ишларни илмий жиҳатдан баҳолаш:

мақолаларда диссертация натижаларининг назарий ва методологик аҳамияти ёритиб берилиши, кўриб чиқиладиган муаммоларни ривожлантиришдаги сўнгги концептуал қарашлар таҳлил қилинган ва қийёсланган бўлиши лозим;

мақолаларда талабгор томонидан илмий натижаларни миллий иқтисодиётда қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги борасидаги қарашлари келтирилган бўлиши керак;

диссертация мазмунининг чоп этилган ишларда тўлиқ акс эттирилганлиги.

11. Ҳаммуаллифлар мавжуд бўлган ҳолда улардан ҳар бирининг ҳиссаси ҳақида ахборот (маълумотнома) тақдим этилиши.

Меъёрий-техник мезонлар

12. Диссертация ишининг ОАК талабларига мувофиқ расмийлаштирилиши. Автореферат мазмунининг диссертация ишига мослиги. Диссертация ишини баён қилишнинг мантиқийлиги ва аниқлиги, шунингдек, саводхонлиги. Диссертация ва диссертация авторефератини расмийлаштириш бўйича техник талабларга риоя қилиниши.

13. Тадқиқотнинг асосий натижалари республика ва хорижий (халқаро) семинарлар, республика ва халқаро конференцияларда, давра суҳбатларида диссертация йўналиши бўйича илмий маърузалар шаклида синовдан ўтказилиши.

14. Диссертацияни рад этиш учун асослар: илмий нопокликнинг намоён бўлиши: плагиат (кўчириш), ўзгаларнинг натижаларини ўзлаштириш; авторефератнинг диссертация мазмуни ва чоп этилган ишларга номувофиқлиги; у ёки бу фикрни исботлаш (асослаш)да жиддий хатоларнинг мавжудлиги; мавзунинг долзарб эмаслиги, янги илмий натижаларнинг мавжуд эмаслиги; чоп этилган ишларнинг ОАК амалдаги талабларига мос келмаслиги; диссертацияда ҳимояга тақдим қилингандан кейинги тузатишлар.

15. Диссертация иши ҳимоясининг стенограммаси таҳлили. Бу талабгор ҳимоя чоғида билдирилган эътироз ва берилган саволларга қанчалик ишончли жавоб берганини, материални қай даражада эгаллаганлигини баҳолашда муҳим саналади.

Якуний натижаларни баҳолаш мезонлари

16. Диссертация олдига қўйилган мақсадга эришилганлигини ва қўйилган муаммоларни ҳал этилганлигини баҳолаш. Хулосалар ва илмий-амалий таклифларнинг мукамаллиги ва асосланганлиги, шунингдек, қўйилган мақсадга мослиги.

17. Диссертация илмий натижаларининг республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда апробация қилиниши.

18. Диссертация ишини расмий оппонентлар ва етакчи ташкилот тақризлари бўйича баҳолаш, расмий оппонент ва етакчи ташкилот ўзларига топширилган вазифага қанчалик масъулият билан ёндашгани баҳоланиши керак.

19. Етакчи ташкилот ва расмий оппонентлар тақризларининг объективлиги (холислиги), улар билдирган эътирозларнинг диссертациянинг умумий баҳосига таъсири. Диссертация ишини кўриб чиқиш жараёнининг жиддийлиги ва илмий мунозаралилиги. Ҳимоя стенограммаси таҳлили. Диссертация ҳимоясида Илмий кенгаш аъзоларининг иштироки ва фаоллиги.

20. Расмий оппонентлар ҳимоя қилинаётган диссертация ихтисослигига мувофиқ ҳолда танланиши. Иккита ихтисослик кесишувида диссертация ҳимоя қилинган ҳолларда расмий оппонентлар ҳар икки йўналиш вакилларида иборат бўлиши.

21. Эълон қилинган ишлар сони ва даражаси, уларнинг диссертация мазмуни ва ОАК талабларига мувофиқлиги, талабгорнинг диссертациянинг ҳар бир боби бўйича эълон қилинган ишлари мавжудлиги.

22. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти талабгорнинг танланган илмий йўналиш ривожига қўшган ҳиссасига берилган баҳо билан белгиланади. Бундай баҳолаш талабгор хулосалари асосида амалга оширилади ва чоп этилган илмий ишлар, расмий оппонентлар ва етакчи ташкилот тақризи, семинарлар хулосалари билан тасдиқланади.

Докторлик диссертацияси илмий натижасини амалиётга жорий қилинишини баҳолаш мезонлари

I. Умумий қисм

1. Докторлик диссертацияси илмий натижасини амалиётга жорий қилинишини баҳолаш мезонлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг (кейинги ўринларда Ўзбекистон Республикаси ОАК деб юритилади) «Фан доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низом» асосида ишлаб чиқилган.

2. Докторлик диссертациясининг амалиётга жорий этилган илмий натижалари (илмий янгилиги ва амалий натижалари)⁶ диссертация самарадорлигини тавсифловчи муҳим мезон ҳисобланади.

3. «Фан доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низом»га мувофиқ фан доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертациянинг илмий натижалари амалиётга жорий этилган бўлиши зарур, яъни назарий аҳамиятга молик диссертацияда олинган илмий натижадан фанда фойдаланилган, амалий аҳамиятга молик диссертациянинг илмий натижасидан иқтисодиёт тармоғи ва ижтимоий соҳанинг долзарб муаммолари ечимини асослашда фойдаланилган бўлиши керак.

4. Докторлик диссертацияси бажарилган муассаса илмий натижани амалиётга жорий этиш борасида тегишли тадбирларни ташкиллаштиришда изланувчига ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга масъулдир.

5. Изланувчи мустақил равишда ёки иш бажарилаётган муассаса орқали (муассаса раҳбарининг йўлланма хати асосида) илмий натижани амалиётга жорий этишга тақдим қилиши мумкин.

6. Докторлик диссертациясининг амалиётга жорий этилган илмий натижалари (илмий янгилиги ва амалий натижалари) ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланиши керак.

II. Илмий натижани амалиётга жорий этиш хусусиятлари

Назарий аҳамиятга молик диссертация бўйича

7. Назарий аҳамиятга молик диссертацияда олинган илмий натижа муаллиф томонидан ишлаб чиқилган (асосланган) ёки такомиллаштирилган куйидаги натижа (натижалар)нинг бири билан белгиланади ва тегишли равишда иш бажарилган муассаса ва фан доктори илмий даражасини берувчи

⁶ Докторлик диссертациясининг амалиётга жорий этилган илмий натижалари – диссертациянинг илмий янгилиги ёки амалий натижаларининг тадқиқот объектига мувофиқ ҳолда амалиётга жорий этилгани, тегишли самара олингани (олиниши) ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжат билан тасдиқланган натижалари.

илмий кенгаш қошидаги илмий семинарлар қарори билан расмийлаштирилади:

назария, ғоя;

қонуният (категория) ва унинг ўзига хос хусусияти;

методология;

методика ва усул (усуллар тизими);

илмий хулоса;

таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш кўрсаткичлари (индикаторлари).

8. Назарий аҳамиятга молик илмий натижа қуйидаги шаклларда амалиётда фойдаланилиши мумкин:

интеллектуал мулк объектига олинган ҳужжат (патент)нинг мавжудлиги ва унинг бугунги кундаги долзарблиги;

илмий натижанинг нуфузли, жумладан, хорижий илмий марказ ёки олий таълим муассасаси томонидан расман эътироф этилиши;

илмий натижадан ўзга тугалланган илмий лойиҳада фойдаланилганлик;

ваколатли бошқарув органи қарори асосида таълим жараёнига татбиқ этилган дарслик ёхуд белгиланган тартибда педагогик амалиётга жорий этилган педагогик технология.

9. Назарий аҳамиятга молик илмий натижага берилган хулосанинг асослилигига фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш жавоб беради.

Амалий аҳамиятга молик диссертация бўйича

10. Докторлик диссертацияси мақсади ва вазифаларига мувофиқ ҳолда олинган илмий натижани амалиётга жорий этиш муайян фан тармоғининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда қуйидагилар билан тасдиқланади:

физика-математика фанлари бўйича докторлик диссертациясининг илмий натижасини амалиётга жорий этиш:

а) жорий этилиш объекти:

мулкчилик шаклидан ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар барча турдаги ташкилот, ишлаб чиқариш корхонаси ва ижтимоий муассаса;

узлуксиз таълим муассасалари;

б) жорий этилиш шакли:

ваколатли бошқарув органи ёки у ваколат берган тузилманинг қарори (хулосаси) асосида белгиланган тартибда:

фан ва технологияларнинг назарий-концептуал ва услубий асосларини ривожлантиришга хизмат қилувчи илмий ишланма ва натижа;

техник-технологик, иқтисодий, ижтимоий ва илмий-услубий муаммони самарали ҳал этишда фойдаланилган илмий-техникавий ишланма, инновацион ғоя ва илмий (илмий-техникавий) ечим;

ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда модернизация қилиш юзасидан фойдаланилган илмий ечимлар;

лицензия шартномаси асосида сотилган ишланма, инновацион ғоя ва илмий (илмий-техникавий) ечим.

кимё фанлари бўйича докторлик диссертациясининг илмий натижасини амалиётга жорий этиш:

а) жорий этилиш объекти:

мулкчилик шаклидан ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар барча турдаги ташкилот, ишлаб чиқариш корхонаси ва ижтимоий муассаса;
узлуксиз таълим муассасалари;

б) жорий этилиш шакли:

ваколатли бошқарув органи ёки у ваколат берган тузилманинг қарори (хулосаси) асосида белгиланган тартибда:

техник ва технологик регламент, стандарт ва техник шартларни ишлаб чиқишда фойдаланилган;

тажриба-синовдан ўтказилган ва расмийлаштирилган тегишли меъёрий ҳужжатда фойдаланилган;

апробациядан ўтказилган ва расмийлаштирилган ишлаб чиқариш технологияси;

меъёрий ҳужжатлар тўплами расмийлаштирилиб, маҳсулотнинг тажриба-синов партияси ишлаб чиқарилиб, меъёрий ҳужжатлари тасдиқланган ва рўйхатдан ўтказилган;

маҳаллийлаштириш дастури асосида маҳсулотнинг ишлаб чиқилиши.

тегишли ишланманинг корхонага жорий этилгани;

лицензия шартномаси асосида сотилган ишланма, инновацион ғоя ва илмий (илмий-техникавий) ечим.

биология фанлари бўйича докторлик диссертациясининг илмий натижасини амалиётга жорий этиш:

а) жорий этилиш объекти:

мулкчилик шаклидан ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар барча турдаги ташкилот, ишлаб чиқариш корхонаси ва ижтимоий муассаса;
узлуксиз таълим муассасалари;

б) жорий этилиш шакли:

ваколатли бошқарув органи ёки у ваколат берган тузилманинг қарори (хулосаси) асосида белгиланган тартибда:

тажриба-синовдан ўтказилган ва расмийлаштирилган тегишли меъёрий ҳужжатда фойдаланилган;

апробациядан ўтказилган ва расмийлаштирилган янги биологик технология, механизм, услуб ва бошқа ишланма;

апробациядан ўтказилган ва расмийлаштирилган дори воситаси, вакцина ва диагностика ишлаб чиқаришнинг биологик ечими.

геология-минералогия фанлари бўйича докторлик диссертациясининг илмий натижасини амалиётга жорий этиш:

а) жорий этилиш объекти:

геология, нефть-газ ва кон-металлургия соҳалари корхоналари;
узлуксиз таълим муассасалари;

б) жорий этилиш шакли:

ваколатли бошқарув органи ёки у ваколат берган тузилманинг қарори (хулосаси) асосида белгиланган тартибда:

техник ва технологик регламент, стандарт ва техник шартни ишлаб чиқишда фойдаланилган;

геология, нефть-газ ва кон-металлургия соҳаларида ишлаб чиқаришга жорий этилган;

лойиҳалаш муассасаси ва тегишли ташкилотнинг ҳужжатида фойдаланилган;

лицензия шартномаси асосида сотилган ишланма, инновацион ғоя ва илмий (илмий-техникавий) ечим.

техника фанлари бўйича докторлик диссертациясининг илмий натижасини амалиётга жорий этиш:

а) жорий этилиш объекти:

мулкчилик шаклидан ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар барча турдаги ташкилот, ишлаб чиқариш корхонаси ва ижтимоий муассаса;

лойиҳалаш ва баҳолаш муассасаси;

узлуксиз таълим муассасаси;

б) жорий этилиш шакли:

ваколатли бошқарув органи ёки у ваколат берган тузилманинг қарори (хулосаси) асосида белгиланган тартибда:

техник ва технологик регламент, стандарт ва техник шартни ишлаб чиқишда фойдаланилган;

қурилма, асбоб, механизм, машина, дастур, методика, технология ва бошқа шаклда тажриба-синов жараёнидан ўтказилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилган;

лойиҳалаш муассасаси ва тегишли ташкилотнинг ҳужжатида фойдаланилган;

лицензия шартномаси асосида сотилган ишланма, инновацион ғоя ва илмий (илмий-техникавий) ечим.

қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича докторлик диссертациясининг илмий натижасини амалиётга жорий этиш:

а) жорий этилиш объекти:

давлат ҳокимияти ва бошқарув органи;

вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси;

қишлоқ хўжалиги ташкилоти (фермер хўжалиги; муқобил МТП, сув истеъмолчилари уюшмаси; ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази; элита ва бирламчи уруғчилик хўжалиги; мевачилик, сабзавотчилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш корхонаси; ўрмон хўжалиги, ўрмон-парк хўжалиги ташкилоти; чорвачилик, паррандачилик ва ипакчилик фермер хўжалиги; қорақўлчилик ширкат хўжалиги, наслчилик ва бўрдоқчилик корхонаси ҳамда тегишли бошқа қишлоқ ва сув хўжалиги объекти);

узлуксиз таълим муассасалари;

б) жорий этилиш шакли:

белгиланган тартибда тажриба-синов жараёнидан ўтказилиб, ваколатли бошқарув органи қарори асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини

самарали ривожлантириш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш, илғор технологияларни жорий этиш ва бошқа шу кабиларни ишлаб чиқаришда фойдаланилган.

тарих фанлари бўйича докторлик диссертациясининг илмий натижасини амалиётга жорий этиш:

а) жорий этилиш объекти:

давлат ҳокимияти ва бошқарув органи;
узлуксиз таълим муассасаси;
республика миқёсидаги жамоатчилик ташкилоти;
ижтимоий соҳада фаолият олиб бораётган муассаса;

б) жорий этилиш шакли:

қонунчилик ҳужжати, тегишли норматив-ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатда фойдаланилган;

бошқарув органи ва республика миқёсидаги жамоатчилик ташкилотининг белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрий ҳужжатида фойдаланилган;

белгиланган тартибда ваколатли бошқарув органининг қарори ёки муаллифлик ҳуқуқи асосида санъат ва маданият соҳалари объектига жорий этилган натижа;

буюртма асосида тайёрланиб, чоп этилган йирик илмий нашр.

иқтисодиёт фанлари бўйича докторлик диссертациясининг илмий натижасини амалиётга жорий этиш:

а) жорий этилиш объекти:

давлат ҳокимияти ва бошқарув органи;
хўжалик бошқарув органи;
маҳаллий ҳокимият органи;
мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар барча турдаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхонаси ва ижтимоий муассаса;

б) жорий этилиш шакли:

қонунчилик ҳужжати, тегишли норматив-ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатда фойдаланилган;

макро, тармоқ ва ҳудуд даражасидаги давлат мақсадли дастурида фойдаланилган;

вазирлик ва идора томонидан тасдиқланган прогноз;
ишлаб чиқариш корхонаси ва ижтимоий муассаса амалиётига жорий этилган иш;

бошқарув органи ва республика миқёсидаги жамоатчилик ташкилотининг белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрий ҳужжатида фойдаланилган.

фалсафа фанлари бўйича докторлик диссертациясининг илмий натижасини амалиётга жорий этиш:

а) жорий этилиш объекти:

давлат ҳокимияти ва бошқарув органи;
узлуксиз таълим муассасаси;

республика миқёсидаги жамоатчилик ташкилоти;
ижтимоий соҳада фаолият олиб бораётган муассаса;

б) жорий этилиш шакли:

бошқарув органи ва республика миқёсидаги жамоатчилик ташкилоти-нинг белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрий ҳужжатида фойдаланилган;

буюртма асосида тайёрланиб, чоп этилган йирик илмий нашр;

филология фанлари бўйича докторлик диссертациясининг илмий натижасини амалиётга жорий этиш:

а) жорий этилиш объекти:

давлат ҳокимияти ва бошқарув органи;

узлуксиз таълим муассасаси;

республика миқёсидаги жамоатчилик ташкилоти;

ижтимоий соҳада фаолият олиб бораётган муассаса;

б) жорий этилиш шакли:

бошқарув органи ва республика миқёсидаги жамоатчилик ташкилоти-нинг белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрий ҳужжатида фойдаланилган;

буюртма асосида тайёрланиб, чоп этилган йирик илмий нашр.

география фанлари бўйича докторлик диссертациясининг илмий натижасини амалиётга жорий этиш:

а) жорий этилиш объекти:

давлат ҳокимияти ва бошқарув органи;

мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар барча турдаги ишлаб чиқариш корхонаси ва ижтимоий муассаса;

узлуксиз таълим муассасаси;

б) жорий этилиш шакли:

бошқарув органи ва республика миқёсидаги жамоатчилик ташкилоти-нинг белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрий ҳужжатида фойдаланилган.

юридик фанлар бўйича докторлик диссертациясининг илмий натижасини амалиётга жорий этиш:

а) жорий этилиш объекти:

давлат ҳокимияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқарув органи;

республика суд ҳокимияти тизимидаги судлар. Бош прокуратура;

инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар;

узлуксиз таълим муассасаси;

республика миқёсидаги жамоатчилик ташкилоти;

б) жорий этилиш шакли:

қонунчилик ҳужжати, тегишли норматив-ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатда фойдаланилган;

бошқарув органи ва республика миқёсидаги жамоатчилик ташкилоти-нинг белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрий ҳужжатида фойдаланилган.

педагогика фанлари бўйича докторлик диссертациясининг илмий натижасини амалиётга жорий этиш:

а) жорий этилиш объекти:

давлат бошқарув органи;
узлуксиз таълим муассасаси;
республика миқёсидаги жамоатчилик ташкилоти;
таълим соҳасида фаолият олиб бораётган муассаса;

б) жорий этилиш шакли:

қонунчилик ҳужжати, тегишли норматив-ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатда фойдаланилган;

бошқарув органи ва республика миқёсидаги жамоатчилик ташкилоти-нинг белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрий ҳужжатида фойдаланилган;

ваколатли бошқарув органи қарори асосида таълим жараёнига татбиқ этилган педагогик дарслик⁷ ва технология.

тиббиёт фанлари бўйича докторлик диссертациясининг илмий натижасини амалиётга жорий этиш:

а) жорий этилиш объекти:

даволаш-профилактика муассасаси; соғлиқни сақлаш тизимидаги илмий-тадқиқот ва бошқа муассаса;

узлуксиз таълим муассасаси;
ижтимоий соҳада фаолият олиб бораётган муассаса;

б) жорий этилиш шакли:

ваколатли бошқарув органи қарори асосида белгиланган тартибда: тасдиқланган меъёрий ҳужжатда фойдаланилган;
соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этилган касаллик ташхиси, профилактика ва даволаш бўйича янги натижадор ва рақобатбардош ёндашув (усул);

соғлиқни сақлаш амалиётига киритилган услубий тавсиянома;
клиникагача ва клиник синовлардан ўтказилган ва расмийлаштирилган оригинал ҳамда генерик доривор восита, вакцина ва диагностика;
апробациядан ўтказилиб, соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган касаллик ташхиси, профилактикаси ва даволаниши бўйича тренинг технология.

фармацевтика фанлари бўйича докторлик диссертациясининг илмий натижасини амалиётга жорий этиш:

а) жорий этилиш объекти:

соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муассасаси;
мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар барча турдаги фармацевтика корхонаси;
узлуксиз таълим муассасаси;

б) жорий этилиш шакли:

⁷ Дарслик илмий натижани амалиётга жорий этиш бўйича муҳим натижа ҳисобланиб, барча фан тармоқларига нисбатан қўлланилиши мумкин.

оригинал дори воситасини яратиш асосида ваколатли бошқарув органи қарори асосида белгиланган тартибда қуйидагиларда қўлланилган:

фармацевтика корхонаси фаолиятини ҳамда дори воситаси, тиббий актлар сифат назоратининг синов усулини такомиллаштиришда;

мавжуд дори воситасини янги технологик ва фармакологик жиҳатдан такомиллаштириш ишланмасини ишлаб чиқишда;

янги дори ва тиббий акт шаклини яратишда;

маҳаллий хомашё асосида оригинал ва генерик дори воситаси ишлаб чиқариш технологияси яратилиб, меъёрий ҳужжатлар туркуми ваколатли бошқарув органида рўйхатдан ўтгандан сўнг препарат тажриба синов партияси ишлаб чиқарилганда;

янги дори воситаси клиникагача ва клиник синовлари ўтганини тасдиқловчи ҳужжат мавжудлигида;

яратилган янги дори воситаси тиббиёт муассасасида синовдан ўтказилиб, ваколатли бошқарув органининг ҳулосаси мавжудлигида.

ветеринария фанлари бўйича докторлик диссертациясининг илмий натижасини амалиётга жорий этиш:

а) жорий этилиш объекти:

давлат ҳокимияти ва бошқарув органи;

хўжалик бошқарув органи;

республика давлат ветеринария бош бошқармаси ва вилоят давлат ветеринария бошқармаси;

республика ветеринария лабораторияси;

мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар барча турдаги тегишли ишлаб чиқариш корхонаси (қўриқхона, чорвачилик фермер хўжалиги, сув ҳавзаси ва бошқалар);

б) жорий этилиш шакли:

ветеринария соҳасидаги қонунчилик ҳужжати, тегишли норматив-ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатда фойдаланилган;

макро, тармоқ ва ҳудуд даражасидаги давлат мақсадли дастурида фойдаланилган;

вазирлик ва идора томонидан тасдиқланган прогноз;

ишлаб чиқариш корхонаси амалиётига жорий этилиб, жорий этилиши давлат ветеринария бош бошқармаси ва вилоят давлат ветеринария бошқармаси томонидан тасдиқлаб берилган.

санъатшунослик фанлари бўйича докторлик диссертациясининг илмий натижасини амалиётга жорий этиш:

а) жорий этилиш объекти:

республика миқёсидаги маданият ва санъат ташкилоти;

республика миқёсидаги жамоатчилик ташкилоти;

таълим ёки ижтимоий соҳаларда фаолият олиб бораётган муассаса;

б) жорий этилиш шакли:

белгиланган тартибда ваколатли бошқарув органининг қарори билан муаллифлик ҳуқуқи асосида санъат ва маданият соҳалари объектига жорий

этилган натижа (кино, театр асари сценарийси, республика тадбирлари дастури ва бошқалар);

бошқарув органи ва республика миқёсидаги жамоатчилик ташкилотининг белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрий ҳужжатида фойдаланилган.

архитектура бўйича докторлик диссертациясининг илмий натижасини амалиётга жорий этиш:

а) жорий этилиш объекти:

давлат ҳокимияти ва бошқарув органи;

республика миқёсидаги архитектура, қурилиш, маданият ва санъат ташкилоти;

таълим ёки ижтимоий соҳада фаолият олиб бораётган муассаса;

б) жорий этилиш шакли:

қонунчилик ҳужжати, тегишли норматив-ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатда фойдаланилган;

белгиланган тартибда ваколатли бошқарув органининг қарори билан муаллифлик ҳуқуқи асосида архитектура, қурилиш, санъат ва маданият соҳалари объектига жорий этилган натижа;

бошқарув органи ва республика миқёсидаги жамоатчилик ташкилотининг белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрий ҳужжатида фойдаланилган.

психология фанлари бўйича докторлик диссертациясининг илмий натижасини амалиётга жорий этиш:

а) жорий этилиш объекти:

давлат бошқарув органи;

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи;

узлуксиз таълим муассасаси;

республика миқёсидаги жамоатчилик ташкилоти;

б) жорий этилиш шакли:

бошқарув органи ва республика миқёсидаги жамоатчилик ташкилотининг белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрий ҳужжатида фойдаланилган;

ваколатли бошқарув органининг қарори асосида таълим-тарбия жараёнига татбиқ этилган психологик тренинг дастури ҳамда шахснинг психологик-физиологик хусусиятларини аниқлаштириш ва тузатишлар қиритишга қаратилган ишланма.

социология фанлари бўйича докторлик диссертациясининг илмий натижасини амалиётга жорий этиш:

а) жорий этилиш объекти:

давлат ҳокимияти ва бошқарув органи;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган;

узлуксиз таълим муассасаси;

республика миқёсидаги жамоатчилик ташкилоти;

таълим ёки ижтимоий соҳада фаолият олиб бораётган муассаса;

б) жорий этилиш шакли:

қонунчилик ҳужжати, тегишли норматив-ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатда фойдаланилган;

бошқарув органи ва республика миқёсидаги жамоатчилик ташкилотининг белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрий ҳужжатида фойдаланилган.

11. Амалий аҳамиятга молик докторлик диссертациясининг амалиётга жорий этилган илмий натижаси тегишли ташкилотда белгиланган шаклда расмийлаштирилади. Мазкур ҳужжатда, жумладан, қуйидаги маълумотлар аниқ келтирилиши зарур: изланувчининг исм-шарифи, ишнинг мавзуси ва шифри; илмий натижанинг номи; у жорий этилган сана ва объект; илмий натижа жорий этилиши натижасида олинган самара (тегишли кўрсаткичлар билан қиёсий таққослаш асосида); самаранинг қандай омил ҳисобига олингани; ўртача йиллик иқтисодий самара ёки ижтимоий самаранинг туб моҳияти ва ижтимоий жараёнларга таъсири даражаси.

12. Илмий натижани амалиётга жорий этилгани тўғрисида соҳа хусусиятини эътиборга олган ҳолда расмийлаштирилган ҳужжат (далолатнома, мукаммал хулоса, таҳлилий маълумотнома) тегишли масъул шахслар томонидан имзоланиб, ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

Мазкур ҳужжат бўйича тегишли юқори ташкилот томонидан билдирилган муносабат хатига илмий натижа жорий этилган ташкилот ҳужжати (ҳужжатлари) илова қилинади ва талабгорнинг аттестация ишига киритилади.

III. Яқуний қисм

13. Илмий натижани амалиётга жорий этилгани тўғрисидаги ҳужжатлар аниқ, асосли ва тегишли маълумотлар тўлиқ келтирилган ҳолда раийлаштирилиши керак.

14. Ўзбекистон Республикаси ОАК илмий-эксперт кенгаши докторлик диссертациясининг илмий натижасини амалиётга жорий этиш масаласи нечоғлиқ «Фан доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низом»нинг 10-бандига мувофиқлигини кўриб чиқади.

15. Диссертацияларнинг илмий натижаларини амалиётга жорий этиш юзасидан йил яқунлари бўйича таҳлилий маълумотнома тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Ахборотномасида чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида аттестация ишларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни ташкил қилиш тартиби

Умумий қисм

1. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида аттестация ишларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни ташкил қилиш тартиби (кейинги ўринларда Тартиб деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисида низом» асосида ишлаб чиқилган.

2. Тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (бундан буён Ўзбекистон Республикаси ОАК деб юрити-лади)да аттестация ишларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни ташкил этиш тартибини белгилайди.

3. Аттестация ишлари турлари қуйидагилардан иборат:
илмий даража талабгорининг аттестация иши;
илмий унвон талабгорининг аттестация иши (тегишлиси);
фан доктори илмий даражаси тўғрисидаги ҳужжатни нострификациялаш (эквива-лентлигини аниқлаш) бўйича аттестация иши.

тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатда белгиланган ҳужжат;

4. Ўзбекистон Республикаси ОАК бўйича буйруқ билан белгиланган аттестация ишлари қабули кунлари Ўзбекистон Республикаси ОАК Мониторинг бўлими масъул ходими (масъул ходим) аттестация ишларини тегишли равишда Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш ҳамда олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси (бундан буён тегишли тузилмалар деб юритилади) илмий котибидан қабул қилиб олади.

Тегишли тузилманинг илмий котиби бўлмаган шахсдан аттестация иши фақат Ўзбекистон Республикаси ОАК раҳбарияти рухсати билан қабул қилинади.

(Масъул ходимлар даврий равишда ҳар чоракда Мониторинг бўлими бошлиғи томонидан тасдиқланган йиллик режа асосида алмаштириб борилади).

5. Масъул ходим аттестация ишини қабул қилиб, уни 1-иловада келтирилган шаклдаги «Аттестация ишларини бирламчи рўйхатга олиш» дафтарчасига қайд қилади ва қайд қилиш варағининг иккинчи ярмини аттестация ишини тақдим этган илмий котибга топширади.

6. Масъул ходим кун давомида қабул қилиб олган аттестация ишларини шу кун 2-иловада келтирилган шакл бўйича рўйхатга олади ва Ўзбекистон Республикаси ОАК раисига киритади ҳамда унинг кўрсатмаси асосида шу

куни аттестация ишларини тегишли бош инспекторга топширади. Аттестация ишини қабул қилиб олган бош инспектор «Аттестация ишларини бирламчи рўйхатга олиш» дафтарчасига имзо қўяди.

7. Бош инспектор 5 иш куни ичида аттестация ишини тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида меъёрий-техник экспертизадан ўтказди ва ҳулоса тайёрлайди.

Аттестация иши ва ҳулосасини Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-қоида комиссияси (бундан буён ТҚК деб юритилади) аъзоларига беради. Ҳужжатлар 3 иш куни ичида кўриб чиқилиб, бош инспекторга қайтарилади.

Бош инспектор аттестация ишини ТҚКга киритишни ташкил этади. ТҚК ижобий қарори асосида аттестация иши бўйича қуйидаги тадбирларни ташкил этади:

а) аттестация ишини Ахборот-таҳлил бўлимига ID кодини олиш учун топширади ва кодни шу куни олади ҳамда Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайти администратори билан биргаликда Аттестация ишлари жамоавий назорати ойнасига жойлаштиради (уни тегишли тадбирлар ўтган куни янги маълумотлар билан тўлдириб боради);

б) аттестация ишини Котибиятда юритиладиган тегишли «Аттестация ишларини рўйхатга олиш китоби»га киритишни ташкил этади (фан доктори илмий даражасига талабгорлар аттестация ишларини рўйхатга олиш китоби; тегишли илмий унвонга талабгорлар аттестация ишларини рўйхатга олиш китоби). Мазкур рўйхатга олиш китобида қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

тартиб рақами;
аттестация иши рақами (3-илова);
талабгорнинг Ф.И.Ш.;
аттестация ишини тақдим этган тузилма номи;
меъёрий-техник экспертиза натижаси;
Тартиб-қоида комиссияси ўтказилган сана (1);
эксперт тўғрисида маълумот;
аттестация иши Илмий-эксперт кенгашида кўрилган сана;
Тартиб-қоида комиссияси ўтказилган сана (2);
Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати (Раёсат) қарори;
аттестация иши Идоравий архивга топширилган сана;
аттестация ишига масъул ходимнинг Ф.И.Ш.;
изоҳ.

в) аттестация ишини тегишли Илмий-эксперт кенгашига киритишни ташкил қилади ва унинг мажлиси ўтган кундан бошлаб 3 иш куни ичида аттестация ишини ТҚКга киритиш учун тайёрлаб, унинг аъзоларига тақдим этади;

г) ТҚК қарори қабул қилинган кундан бошлаб 3 иш куни ичида тегишли ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатига киритиш учун ОАК бош илмий котиби ва Мониторинг бўлими бошлиғига тақдим этади;

д) аттестация ишлари билан Раёсат аъзолари танишиши учун шароит

яратади;

е) Раёсат қарори ижроси юзасидан тегишли ишларни амалга оширади;

ж) аттестация ишини Раёсат мажлиси ўтказилган кундан бошлаб 3 иш куни ичида Идоравий архивга топширади.

8. Аттестация иши бўйича ТҚК салбий қарор қабул қилса, бош инспектор аттестация ишини тақдим этган муассасага (тузилма) 3 иш куни ичида расмий жавоб хатини тайёрлайди ва уни веб-сайт администратори билан биргаликда унинг электрон манзилига жўнатишни ташкил этади.

Аттестация ишини тақдим этган тегишли илмий котиб «Аттестация ишларини бирламчи рўйхатга олиш» дафтарчаси ўзи олган қайд қилиш варағининг иккинчи ярмини масъул ходимга қайтаради ва биринчи ярмининг орқа томонида аттестация ишини қайтариб олгани тўғрисида маълум қилади. Аттестация иши тегишли илмий котибга қайтарилади.

9. Ўзбекистон Республикаси ОАК бош илмий котиби Раёсат мажлиси кун тартиби асосида тегишли ҳужжатларни мажлисдан камида 5 иш куни олдин Ўзбекистон Республикаси ОАК раисига тақдим этади. Раёсат кун тартибига киритилган аттестация ишлари мажлис ўтказиладиган кундан камида 5 иш куни олдин тайёр қилиб қўйилиши керак.

10. Ўзбекистон Республикаси ОАК бош илмий котиби ҳимоя қилинган докторлик диссертацияларининг мавжуд талабларга мувофиқлиги юзасидан жавоб беради. Ҳар бир бош инспектор тегишли илмий йўналишлар бўйича ҳимоя қилинган докторлик диссертацияларининг мавжуд талабларга мувофиқлиги юзасидан жавоб беради ва Раёсат мажлисида йил якунлари бўйича ҳисобот беради (зарур ҳолларда тегишли йўналиш бўйича уларнинг ҳисоботи ташкил этилиши мумкин).

11. Аттестация жараёнига оид барча ҳужжатлар ва маълумотлар хизмат сири ҳисобланиб, уларни ошкор этиш қатъиян ман этилади. Мазкур талабга риоя қилмаган ходимларга нисбатан тегишли чоралар кўрилади.

Расмийлаштириш ва назорат қилиш

12. «Ўзбекистон Республикаси ОАКга қабул қилинган аттестация ишларининг рақамланган кунлик йиғма жилди» Мониторинг бўлимида ва «Аттестация ишини рўйхатга олиш китоби» (китоблари) Котибиятда юритилади.

Мазкур рўйхатга олиш ҳужжатлари ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 3-кунигача Ўзбекистон Республикаси ОАК бош илмий котиби, Мониторинг ва Ахборот-таҳлил бўлимлари бошлиғи ҳамда юридик маслаҳатчи таркибида доимий фаолият кўрсатувчи Ички гуруҳи томонидан текшириб борилади.

Текшириш жараёнида рўйхатга олиш ҳужжатлари бир-бирига солиштирилади ва тегишли маълумотларнинг тўла киритилгани ва тўғри расмийлаштирилгани кўрикдан ўтказилади. Текширув натижалари асосида мазкур тартибда кўрсатилган барча рўйхатга олиш ҳужжатлари – (1) «Ўзбекистон Республикаси ОАКга қабул қилинган аттестация ишларининг

рақамланган кунлик йиғма жилди» охирги варағига ҳамда (2) «Аттестация ишини рўйхатга олиш китоби»ларига имзо қўядилар ва умумий муҳр қўядилар.

13. Йил якунлари бўйича «Ўзбекистон Республикаси ОАКга қабул қилинган аттестация ишларининг рақамланган кунлик йиғма жилдлари» переплёт шаклига келтирилиб, Идоравий архивга топширилади.

Фойдаланиб бўлинган «Аттестация ишларини бирламчи рўйхатга олиш» дафтар-часи ҳамда «Аттестация ишини рўйхатга олиш китоби» (китоблари) Идоравий архивга сақловга топширилади.

14. Аттестация ишларини рўйхатга олиш бўйича барча ҳужжатлар аниқ, тўла, ҳаққоний ва ўз вақтида расмийлаштирилиши ҳамда тоза ҳолда сақланиши зарур.

Мазкур ҳужжатлар фойдаланиш даврида темир шкафда сақланиши керак.

15. Котибият томонидан тақдим этилган аттестация ишлари ҳолати бўйича таҳлилий маълумотнома тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Ахборотномасининг ҳар йилги биринчи сонида чоп этилади.

Аттестация ишларини бирламчи рўйхатга олиш дафтарчаси

Ўзбекистон Республикаси ОАК	Ўзбекистон Республикаси ОАК
Хужжат _____	Хужжат _____
Т/р _____	Т/р _____
Сана _____	Сана _____
Ф.И.Ш. _____	Ф.И.Ш. _____
Масъул шахс _____	Масъул шахс _____

Ўзбекистон Республикаси ОАКга қабул қилинган
аттестация ишларининг ——— рақамли кунлик рўйхати
(201—— ———)

Ўзбекистон Республикаси ОАКга қабул қилинган аттестация ишларини меъёрий-техник экспертизадан ўтказиш учун тегишли бош инспекторларга топширишга рухсат беришингизни сўрайман Мониторинг бўлими бош мутахассиси Ф.И.О., имзоси				
№	Аттестация иши тури. Тақдим этилган сана	Ф.И.Ш.	Тақдим этган тузилма	Аттестация ишига масъул бош инспекторнинг Ф.И.О.
Аттестация ишлари меъёрий-техник экспертиза учун тегишли бош инспекторларга топширилсин ва ОАК Тартиб-қоида комиссиясига киритилсин. Ўзбекистон Республикаси ОАК раиси Ф.И.Ш., имзоси				

Аттестация ишларини рақамлаштириш (шифрлаш) тартиби

Аттестация ишлари уч қисмдан иборат бўлган таркибда рақамланиб (шифрланиб), ҳар бир рақамланиш қисми каср белгиси (/) билан ажратилади.

Аттестация ишини шифрлаш (рақамлаштириш) тўғрисида маълумот

Қисм	Аттестация ишини шифрлаш қисмларининг моҳияти		
1.	Аттестация ишини моҳиятан кўриб чиқиш йўналишлари қуйидагилар бўйича шифрланади:		
	F D.	–	фан доктори илмий даражаси;
	F Dn.	–	фан доктори дипломи нострификацияси;
	P.	–	профессор илмий унвони;
	D.	–	доцент илмий унвони;
	K IX.	–	катта илмий ходим илмий унвони.
2.	Аттестация иши Ўзбекистон Республикаси ОАҚда қабул қилинган кун, ой ва йил (масалан, 10.05.2014.).		
3.	Фан доктори илмий даражасига талабгор диссертациясининг қайси фан тармоғига оид экани (масалан, Ҳу. – юридик фанлар)		
Аттестация ишини рақамлаш умумий ҳолатда қуйидагича ифодаланади (масалан):			
Фан доктори илмий даражаси:		FD/ 08.07.2014/ Tib.01	
Фан доктори дипломи нострификацияси:		FDn/ 18.11.2014/ FM.01	
Профессор илмий унвони:		P/ 10.09.2014/ Qx.02	
Доцент илмий унвони:		D/ 10.09.2014/ Yu.03	
Катта илмий ходим илмий унвони:		KIX/ 10.09.2014/ GM.04	
Юқорида келтирилган рақамлаштиришга тегишли тур аттестация ишларини рўйхатга олиш китобида тегишли аттестация иши тартиб рақами қўшиб ёзилади. Мазкур рақамлаштириш илмий даража ёки тегишли илмий унвонни таксидқлаш учун тақдим этилган аттестация ишларини Ўзбекистон Республикаси ОАҚда кўриб чиқилиши бўйича маълумотлар электрон базасининг калит рақами ҳисобланади (масалан: FDn/ 18.11.2014/ FM.01).			

Ўзбекистон Республикаси ОАКда «Антиплагиат» ахборот тизимига киритилиши лозим бўлган диссертация ишларининг электрон форматдаги шаклига қўйиладиган талаблар

Диссертациялар ва авторефератлар электрон кутубхонасини шакллантириш ва уларнинг ҳисобини олиб бориш ҳамда плагиат ҳолатларини аниқлаш мақсадида уларнинг электрон вариантыга қуйидаги талаблар қўйилади:

1. Диссертация файли CD, DVD ёки флешкада тақдим этилади;
2. Диссертация иши алоҳида бобларга ва иловаларга бўлинмаган ягона файл шаклида бўлиши лозим;
3. Файллар doc ёки pdf форматида тақдим этилади;
4. Тақдим этилган файл ОАК масъул ходими томонидан белгиланган талабларга жавоб бериши (файлнинг ўқирилиши, маълумот ташувчи воситанинг носозлиги, белгиланган форматда бўлмаслиги) текширилгандан сўнг қабул қилинган ҳисобланади.

**Докторлик диссертацияси ҳимояси ҳақида Ўзбекистон
Республикаси ОАК веб-сайти ва Ўзбекистон Республикаси ОАК
Ахборотномасида эълон қилиш тартиби**

1. Докторлик диссертацияси ҳимояси ҳақида Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайти ва «Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборотномаси»да эълон қилиш тартиби (бундан буён Тартиб деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2012 йил 24 июлдаги ПФ–4456-сонли фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли қарори ва мазкур қарор билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низом» ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (бундан буён Ўзбекистон Республикаси ОАК деб юритилади) низомларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Тартиб докторлик диссертацияси ҳимояси ҳақида Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайтида эълон қилиш (бундан буён ДХХЭ – Диссертация ҳимояси ҳақида эълон деб юритилади) тартибини белгилайди.

3. ДХХЭ қилишдан мақсад – аттестация органлари фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш ҳамда фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш (бундан буён ИК деб юритилади) томонидан ҳимоя учун қабул қилинган диссертациянинг мақсади, илмий янгилиги, олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилганига оид маълумотлар билан кенг илмий жамоатчиликни таништиришдан иборат.

4. Диссертация ҳимоя учун қабул қилиб олинган кундан бошлаб ИК 5 иш куни ичида ДХХЭ бўйича йўлланма хат⁸га илова қилинган қуйидаги хужжатлар ИК илмий котиби томонидан Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим этилади:

- а) диссертация ҳимояси ҳақидаги эълоннинг ўзбек тилидаги матни (1-илова);
- б) илмий даража талабгори тўғрисида объектив-маълумотнома;
- в) диссертация илмий натижаларининг амалиётга жорий этилгани

⁸ Йўлланма хатда аттестация тадбирларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар санаси кўрсатилган ҳолда келтирилади (талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатлилиги бўйича тест синови натижаси (илмий даражаси); мавзунинг рўйхатдан ўтказилган рақами; малакавий имтиҳонларни топширгани; 300 соат ҳажмидаги педагогик иш тажрибасига эгаллиги; тегишли илмий мақолаларнинг чоп этилгани; диссертацияни ҳимоя учун қабул қилиш бўйича ИК қарори санаси ва рақами).

тўғрисида берилган ҳужжатларнинг нусхаси;

г) докторлик диссертацияси автореферати қўлёзмаси⁹.

5. ИК томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва аттестация тадбирларининг низомлар талабларига мувофиқлигига ИК раҳбарияти, илмий даража талабгори ва илмий маслаҳатчи жавоб беради.

6. ИК илмий котиби томонидан ДХХЭ ҳужжатлари аттестация ишларини қабул қилиш учун белгиланган куни Ўзбекистон Республикаси ОАК Мониторинг бўлими масъул ходими томонидан рўйхатга олинади ва ҳужжат қабул қилиб олингани тўғрисида қарор берилади.

7. Тегишли ҳужжатлар қабул қилиб олинган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан 12 иш куни ичида ДХХЭ берилиши ёки ИКга тегишли камчилик (тавсия)лар электрон почта орқали маълум қилиниши керак.

(Зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ОАК расмий равишда ИКдан қўшимча ҳужжатларни сўраб олиши мумкин. Ҳужжатларни олиш учун кетган муддат масалани кўриб чиқишга белгиланган муддатга кирмайди).

8. ДХХЭ ҳужжатлари қабул қилиб олинган куни Ўзбекистон Республикаси ОАК раиси расмий кўрсатмаси билан улар тегишли бош инспекторга топширилади.

9. Бош инспектор 5 иш куни ичида ҳужжатларни меъёрий-техник экспертизадан ўтказди (мазкур жараёнга тегишли Илмий-эксперт кенгаши аъзосини жалб этиши мумкин). 2-иловадаги шакл бўйича тайёрлаган хулосани кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-қоида комиссияси (бундан буён ТҚК деб юритилади) аъзоларига беради. Улар томонидан ҳужжатлар 3 иш куни ичида кўриб чиқилади.

10. Бош инспектор ўз хулосасини ТҚКга киритади ва мазкур иш бўйича тегишли қарор қабул қилинади. ТҚК қарори 3-иловадаги шакл бўйича расмийлаштирилади.

11. ТҚК қарори қабул қилинган кун тегишли бош инспектор ОАК веб-сайти администратори билан биргаликда ДХХЭни ОАК веб-сайтининг тегишли манзилига жойлаштирилади.

(ТҚК қарори салбий бўлган ҳолларда, тегишли бош инспектор ИК фаолият кўрсатаётган муассаса электрон манзилига камчилик ёки тавсиялар кўрсатилган маълумотни жўнатади ва ДХХЭ ҳужжатларини илмий котибга топширади (ИК илмий котиби ҳужжатларни 3 иш куни ичида олиши шарт). Бундай ҳолларда кўрсатилган камчилик бартараф этилган ёки тавсия амалга оширилгандан кейин тегишли ҳужжатлар ўрнатилган тартибда қайта тақдим этилиши мумкин.

12. ДХХЭни веб-сайтга жойлаштириш ва тегишли электрон почтага жўнатишга бош инспекторлар ҳамда веб-сайт администратори тегишли равишда жавобгар.

13. Ўзбекистон Республикаси ОАК Котибияти берилган ДХХЭ ва рад

⁹ ИК раиси, илмий котиби, илмий маслаҳатчи ва илмий даража талабгори томонидан имзоланган ҳамда автореферат матнининг (ўзбек, рус ва инглиз тиллари) тегишли тахририят томонидан тахрирдан ўтказилгани унинг муҳри билан тасдиқланади.

жавобларининг электрон рўйхатини юритади.

14. Тегишли бош инспектор веб-сайтга жойлаштирилган ДХХЭ матнини шу куни Ўзбекистон Рсепубликаси ОАК Ахборотномаси масъул котибига топширади. ДХХЭ Ўзбекистон Рсепубликаси ОАК Ахборотномасининг навбатдаги сонида эълон қилинади.

15. ДХХЭлар юзасидан Котибият томонидан тайёрланган таҳлилий маълумотнома Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборотномасида нашр қилиб борилади.

**Докторлик диссертацияси химояси ҳақида
Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайтида эълон қилиш бўйича
эълон матни шакли**

I. Умумий маълумотлар.

Талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолият олиб боришга лаёқати бўйича тест синовидан ўтгани ҳақида маълумот.

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам.

Диссертация мавзуси, ихтисослик шифри (илмий даража бериладиган фан тармоғи номи).

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони.

Диссертация бажарилган муассаса номи.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами.

Диссертация йўналиши (*назарий ёки амалий аҳамиятга молик*).

Педагогик иш тажрибасига қўйилган талабнинг бажарилгани.

Малакавий имтиҳонлар топширилгани санаси ва натижаси.

Диссертация ИКга химояга қабул қилинган ва тегишли хужжатлар Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим этилган саналар.

II. Нашр ишлари. Илмий даража талабгори томонидан нашр ишларига қўйилган талаблар тўлиқ бажарилган, жумладан:

а) Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини нашр қилиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган _ та миллий илмий журналда ____ та илмий мақола, __ та хорижий илмий журналда ____ илмий мақола нашр қилинган;

б) диссертация мавзуси бўйича ____ та материал (тегишлиси – мақола, маъруза ёки маъруза тезиси) халқаро илмий-амалий конференция материалларида эълон қилинган (ўтказилган йили ва жойи кўрсатилади).

III. Тадқиқотнинг мақсади.

IV. Диссертациянинг илмий янгилиги (диссертациянинг ҳар бир илмий янгилигининг моҳияти тавсифланган ҳолда қисқа, лўнда ва тушунарли тахрирда берилади).

V. Диссертациянинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари (диссертациянинг амалиётга жорий этилган ҳар бир илмий натижаси келтирилган, моҳияти тавсифланган ва қиёси самараси кўрсатилган ҳолда баён қилинади. Унга амалиётга жорий қилинганини тасдиқловчи хужжатни берган ташкилот номи ва хужжатнинг санаси келтирилади).

ИК раиси Ф.И.Ш
ИК илмий котиби Ф.И.Ш
Илмий маслаҳатчи Ф.И.Ш
Талабгор Ф.И.Ш

Сана
муҳр

Изоҳ: Эълон матни 1–2 саҳифада компьютернинг Times New Roman шрифтида, 12 кегль катталиқда бир интервалда берилади.

Эълон матнининг электрон версияси ҳам топширилиши керак.

нинг докторлик диссертацияси
ҳимояси ҳақида Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайти ва
Ўзбекистон
Республикаси ОАК Ахборотномасида эълонга бериш учун тақдим
этилган ҳужжатларнинг меъёрий-техник экспертиза натижаси бўйича
ХУЛОСА

I. Умумий маълумотлар.

Талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолият олиб боришга лаёқати бўйича тест синовларидан ўтгани ҳақида маълумот.

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам.

Диссертация мавзуси, ихтисослик шифри (илмий даража бериладиган фан тармоғи номи).

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони.

Диссертация бажарилган муассаса номи.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами.

Диссертация йўналиши (*назарий ёки амалий аҳамиятга молик*).

Педагогик иш тажрибасига қўйилган талабнинг бажарилгани.

II. Аттестация тадбирларининг бажарилиши ва уларнинг низомлар талабига мувофиқлиги (ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилгани ва талаб даражасида расмийлаштирилгани; тегишли аттестация тадбирларининг бажарилгани (йўлланма хат асосида); диссертация ИКга ҳимояга қабул қилинган кундан (сана) бошлаб ____ кун (сана) ичида Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим этилгани ва бошқалар).

(Тегишли талаблар бажарилмаган ёки уларга риоя қилинмаган ҳар бир ҳолат рақамланган ҳолда кўрсатилиб, тегишли низом бандлари келтирилган ҳолда асослаб берилади).

III. Нашр ишлари. Илмий даража талабгори томонидан нашр ишларига қўйилган талаблар тўлиқ бажарилган, жумладан:

а) Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини нашр қилиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган __ та миллий илмий журналда __ илмий мақола, __ та хорижий илмий журналда __ та илмий мақола нашр қилинган;

б) диссертация мавзуси бўйича __ та материал (тегишлиси – мақола, маъруза ёки маъруза тезиси) халқаро илмий-амалий конференция материалларида эълон қилинган (ўтказилган йили ва жойи кўрсатилади).

IV. Докторлик диссертациясининг илмий натижаларини амалиётга жорий қилиш бўйича қўйилган талаб бажарилган, улар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган.

VI. Диссертация авторефератининг талаб даражасида расмийлаштирилгани.

(Талаблар бажарилмаган ёки уларга риоя қилинмаган ҳар бир ҳолат рақамланган ҳолда кўрсатилиб, тегишли низом бандлари келтирилган ҳолда асослаб берилади).

VII. Бошқа маълумотлар.

ХУЛОСА: Докторлик диссертацияси ҳимояси ҳақида эълон қилишга тавсия этаман (этмайман).

Бош инспектор Ф.И.Ш.
Сана

**Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-қоида комиссияси
ҚАРОРИ**

Сана	№ ой/мажлис сони	Тошкент ш.
-------------	----------------------------	-------------------

I. Қуйидаги талабгорларнинг докторлик диссертацияси ҳимояси ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайтида эълон қилишга ТАВСИЯ ЭТИЛСИН:

№	Илмий даража талабгорининг Ф.И.Ш	Фан тармоғи номи. Муассаса номи. ИК рақами	Бош инспектор Ф.И.Ш. хулосаси

Имзолар

Тавсия этилган ишлар Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайтига _____ куни
_____соатда жойлаштирилди.

Имзолар

**Бош инспектор
Веб-сайт администратори**

II. Қуйидаги талабгорларнинг докторлик диссертацияси ҳимояси ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайтида эълон қилишга ТАВСИЯ ЭТИЛМАСИН:

№	Илмий даража талабгорининг Ф.И.Ш	Фан тармоғи номи. Муассаса номи. ИК рақами	Бош инспектор Ф.И.Ш. хулосаси	Асос

Имзолар

Тавсия этилмаган ишлар тегишли муассасалар (ИК) электрон манзилига _____ куни
_____соатда юборилди.

Имзо

Бош инспектор

Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-қоида комиссияси фаолиятини ташкил этиш тартиби

1. Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-қоида комиссияси фаолиятини ташкил этиш тартиби (кейинги ўринларда Тартиб деб юритилади) Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомил-лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли қарори ва бошқа тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида ишлаб чиқилган.

2. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказишга тааллуқли аттестация ишлари ва бошқа ҳужжатлар бўйича қабул қилинган қарорларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида, шунингдек, ОАК фаолиятининг коллегиял қарорини ва унинг бажарилиши юзасидан назоратни талаб этадиган жорий масалаларини кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун ОАК Тартиб-қоида комиссияси (кейинги ўринларда ТҚК деб юритилади) ташкил этилади.

3. Тартиб ТҚК ишини ташкил этиш ҳамда қабул қилиб олинган аттестация ишлари ва бошқа тегишли ҳужжатлар (кейинги ўринларда ҳужжатлар деб юритилади) ҳамда Илмий-эксперт кенгашлари томонидан қабул қилинган қарорлар ва бошқа ҳужжатларнинг тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тартиб-қоида нуктаи назаридан кўриб чиқиш учун ТҚКга тайёрлаш ва кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

4. ТҚК таркиби жами ўн нафар аъзо – Ўзбекистон Республикаси ОАК раиси, бош илмий котиби, Ахборот-таҳлил ва Мониторинг бўлимлари бошлиқлари ҳамда олти нафар бош инспектордан иборат.

5. Ўзбекистон Республикаси ОАК раиси ТҚК фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ва мажлисларини бошқаради. Ўзбекистон Республикаси ОАК бош илмий котиби тегишли ишларни ташкил этади, мувофиқлаштиради ва назорат қилади.

Ўзбекистон Республикаси ОАК ташкилий тузилмалари бошлиқлари масъул ходимлар томонидан тегишли ҳужжатларни ўз вақтида ва сифатли тайёрлашни ташкил этади ҳамда ижро назоратини олиб боради.

Масъул ходимлар ўзларига бириктирилган масалалар бўйича тегишли ҳужжатларни тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқишга жавоб беради.

6. ТҚК иши мажлислар шаклида ташкил этилади. ТҚК мажлисига тегишли масала бўйича масъул ходим, илмий-эксперт кенгашлари раҳбарияти ва аъзолари таклиф этилиши мумкин.

7. ТҚК мажлиси аъзоларининг камида учдан икки қисми мажлисда қатнашганда ваколатли ҳисобланади.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид ишлар бўйича ТҚК мажлиси қарори тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида қабул қилинади. ТҚК мажлиси қарори мажлисда қатнашаётган аъзоларнинг барчаси ёқлаб овоз берганда, қарор қабул қилинган ҳисобланади.

8. ТҚК илмий котиби вазифаси ротация тартибида ҳар чорак бўйича тегишли бош инспектор томонидан олиб борилади (физика-математика, кимё, техника, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва ижтимоий-гуманитар фанлари).

9. Ҳужжатлар қабул қилиб олинган кундан бошлаб аттестация ишлари 5 иш куни, бошқа ҳужжатлар 2 иш куни ва Илмий-эксперт кенгашида кўриб чиқилган ҳужжатлар мажлис ўтказилган кундан бошлаб 2 иш куни (ёки резолюцияда кўрсатилган муддат) ичида:

масъул ходим томонидан меъёрий-техник экспертизадан ўтказилади;

ташкилий тузилма бошлиқлари ва бош илмий котиб томонидан мукам-мал кўриб чиқилади ва имзоланади ҳамда ТҚКда кўриб чиқиш учун ТҚК илмий котибига топширилади.

Ҳужжатларнинг белгиланган муддат ичида ТҚК мажлисига киритилишига ҳужжат билан бевосита ишлаётган тегишли масъул ходим шахсан жавоб беради. Мазкур жараён тегишли ташкилий тузилма бошлиғи томонидан тартибга солиб борилади.

10. ТҚК мажлиси қарори иловага мувофиқ расмийлаштирилади ва мажлисда иштирок этган аъзолар томонидан имзоланади.

11. ТҚК мажлиси қарорлари йиғма жилдда умумлаштирилиб, тегишли бош инспекторда, унинг китобча шаклидаги йиллик йиғма жилди эса идоравий архивда сақланади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ**

Тартиб-қоида комиссиясининг қарори

Сана

№

Тошкент ш.

(Йил. Мажлис сони. Ой (масалан, 14.1.8))

I. АТТЕСТАЦИЯ ИШЛАРИ

1.1. Илмий даражалар бўйича:

Т/р	Талабгорнинг Ф.И.Ш., аттестация иши рақами. Дис-я ҳимоя қилинган ИК	Илмий даража, ихтисослик шифри	Бош инспектор хулосаси <i>ёки</i> ЎзР ОАК илмий-эксперт кенгаши тавсияси	ЎзР ОАК Тартиб-қоида комиссияси қарори

1.2 Илмий унвонлар бўйича:

Т/р	Талабгорнинг Ф.И.Ш., аттестация иши рақами, ҳужжатларни тақдим этган муассаса номи	Илмий унвон, ихтисослик шифри	Бош инспектор хулосаси <i>ёки</i> ЎзР ОАК илмий-эксперт кенгаши тавсияси	ЎзР ОАК Тартиб-қоида комиссияси қарори

II. БОШҚА ҲУЖЖАТЛАР

Т/р	Ҳужжат келган ташкилот номи ва санаси. Ҳужжатнинг мазмуни.	Масъул ходим хулосаси <i>ёки</i> ЎзР ОАК илмий-эксперт кенгаши тавсияси	ЎзР ОАК Тартиб-қоида комиссияси қарори

Докторлик диссертацияси ва авторефератини расмийлаштириш ҚОИДАЛАРИ

I. Умумий қоидалар

1. «Докторлик диссертацияси ва авторефератини расмийлаштириш қоидалари» (бундан буён Қоидалар деб юритилади) фан доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланадиган докторлик диссертацияси (бундан буён диссертация деб юритилади) ва унинг авторефератини расмийлаштириш қоидаларини белгилаб беради.

2. Ҳар бир изланувчи мазкур Қоидалар билан мукаммал танишиб чиқиши ва диссертация ҳамда авторефератни уларга мувофиқ ҳолда расмийлаштириши керак.

Фан доктори илмий даражаси учун талабгор диссертациянинг ҳар бир нусхаси титул varaғига ва диссертация авторефератининг нашрдан чиққан барча нусхасининг охирги бетига имзо қўйиши шарт.

3. Диссертация ва унинг автореферати Қоидаларга риоя қилинмасдан расмийлаштирилганида Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг қарорига биноан аттестация ишига рад жавоби берилиши мумкин.

II. Докторлик диссертацияси

4. Диссертация юқори малакавий илмий иш, шунингдек, унда муаллиф томонидан ўтказилган тадқиқотлар ва яратилган ишланмалар асосида муҳим ижтимоий-иқтисодий ва долзарб илмий-амалий муаммолар ҳал этилиши ёки тегишли илм-фан тармоғининг истиқболли йўналишини ривожлантириш учун муайян ютуқ сифатида баҳоланадиган янги назарий қоидалар комплекси ишлаб чиқилган бўлиши ёки жорий этилиши, илм-фан, техника, ижтимоий-сиёсий соҳа ёки иқтисодиёт тармоғининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшадиган ечимлар ишлаб чиқилган бўлиши керак.

5. Докторлик диссертацияси изланувчи ўтказган тадқиқотлар ва эълон қилган илмий ишлар асосида тайёрланади.

Докторлик диссертациясини расмийлаштириш

6. Диссертацияни расмийлаштириш ва уни ҳимоя қилиш изланувчининг хоҳишига кўра ўзбек, рус, қорақалпоқ ва инглиз тилларида ёки Ўзбекистон Республикаси ОАК билан келишилган ҳолда бошқа тилда амалга оширилади.

7. Диссертацияни расмийлаштириш қуйидаги умумий талабларга жавоб бериши лозим:

матн тахририй жиҳатдан равон, хатосиз ва тегишли меъёрий-техник талаблар асосида расмийлаштирилган ҳамда мантиқий боғлиқликда бўлиши;

материални баён қилишда диссертациянинг таркибий қисмлари бири бири билан ўзаро боғлиқлик ва алоқадорликда ҳамда тушунарли равишда мантиқий изчилликда ёритилиши;

ҳар бир бобда ишнинг мазмун-моҳияти тадқиқотнинг мақсади ва вазибаларидан келиб чиққан ҳолда тизимли равишда очиб берилиши;

баён қилинган хулоса, таклиф, тавсия ва бошқа фикрлар диссертация тадқиқотининг мантиқий ҳосиласи сифатида ишончли манбалар асосида аниқ ва қисқа ифодаланиши, чуқур фикр-мулоҳазалар, етарли илмий далиллар асосида исботланган бўлиши ва диссертацияга киритилиши;

ҳар бир бобнинг охирида тадқиқ қилинган муаммолар бўйича хулоса ва таклифлар берилиши;

далилларнинг ишончилиги;

шартли белгилар, матн бўлаклари, атамалар рўйхати ва формулаларда нисбатан кўп учрайдиган махсус белгилар (символлар) экспликацияси (изоҳи) берилиши;

атама ва белгилар диссертациянинг матни давомида бир хилда бўлиши шарт. Агар ишга янги атама киритилса, илк қўлланишдаёқ у бўйича тушунтириш берилиши керак. Диссертация матнида ҳар бир параметрнинг ўлчам бирлиги ҳамма вақт бир хил бўлиши зарур.

8. Диссертациянинг тузилиши куйидаги таркибий қисмлардан ташкил топади:

титул варағи;

мундарижа;

шартли белгилар, матн бўлаклари, символ ва атамалар рўйхати (*зарурат бўлса*);

докторлик диссертацияси аннотацияси;

асосий қисм;

хулоса;

фойдаланилган адабиётлар рўйхати;

иловалар.

9. Диссертация камида тўртта бобдан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ.

10. **Диссертациянинг титул варағи** 1-иловадаги намуна бўйича расмийлаштирилади. Диссертациянинг титул варағи ва диссертация автореферати муқовасининг орқа томонида илмий маслаҳатчининг исми шарифи, илмий даражаси ва унвони кўрсатилади.

11. **Мундарижада** боб (бўлим), параграф (қисм) ва бандлар (агар улар номланган бўлса)нинг номи ҳамда улар бошланаётган бет кўрсатилади. Бунда бир хил тоифадаги номлар бир устун бўйича, бошқа номлар эса олдинги устундаги номларга мансублигига қараб, жойлаштирилиши керак.

12. **Шартли белгилар, матн бўлаклари, символ ва атамалар рўйхатида** ишда нисбатан кўп учрайдиган махсус белгилар, символлар экспликацияси (изоҳи) берилиши шарт. Бундай рўйхатга диссертация матнида камида уч мартадан ортиқ ишлатилган аббревиатура – қисқартма сўзлар киритилади. Кўп ҳарфлардан ташкил топган (қоида бўйича тўрттадан

ортиқ бўлмаган), шунингдек, кўпол тарзда талаффуз қилинадиган аббревиатуралар тузиш тавсия қилинмайди.

Илм-фаннинг диссертация ёзилаётган тармоғида умумий қабул қилинган коидаларга мувофиқ тавсия қилинган, белгиланган стандартларга мос, мазкур йўналиш бўйича тузилган атамалар тўпламига суянган ҳолда махсус белгилардан фойдаланиш лозим бўлади.

Диссертация давомида белгиланган ҳар бир кўрсаткичи бўйича матн ҳажми ҳамма вақт бир хил бўлиши ва СИ метрик системасининг ўлчов бирликлари стандартига мос бўлиши зарур.

13. Докторлик диссертациясининг аннотация қисми тадқиқотнинг моҳияти тўғрисида қисқа, лекин яхлит тасаввур ҳосил қилишга имкон бериши керак. Шу жиҳатдан мазкур қисмда диссертация тадқиқоти моҳиятини тавсифлайдиган асосий маълумотлар пухта таҳрир қилинган, қисқа, аниқ-равшан ва равон бўлиши керак.

Диссертациянинг аннотация қисмида диссертациянинг моҳияти аннотация тарзида ёритилади ва диссертация авторефератининг биринчи бўлими (Докторлик диссертациясининг аннотацияси)га айнан қуйидагилар асосида берилади:

- диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати;
- тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги;
- диссертациянинг мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи;
- муаммонинг ўрганилганлик даражаси;
- диссертация тадқиқотининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги;
- тадқиқотнинг мақсади;
- тадқиқотнинг вазифалари;
- тадқиқотнинг объекти;
- тадқиқотнинг предмети;
- тадқиқотнинг усуллари;
- диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги;
- тадқиқотнинг амалий натижаси;
- олинган натижаларнинг ишончлилиги;
- тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти;
- тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши;
- ишнинг апробацияси;
- натижаларнинг эълон қилиниши;
- диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.

Ушбу қисмда диссертация мавзусининг долзарблиги ва шу билан бир қаторда амалий зарурати, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантириш борасидаги устувор йўналишларга мослиги, диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи¹⁰,

¹⁰ Диссертация мавзуси юзасидан халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳида бугунги кунда мазкур мавзу бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бораётган жаҳондаги етакчи илмий

муаммонинг ўрганилганлик даражаси ҳамда тадқиқотнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги кўрсатиб берилиши зарур.

Мазкур қисмда тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда тадқиқот объекти ва предмети, шунингдек, тадқиқот усуллари кўрсатилади.

Ишнинг моҳиятан бошқа бажарилган ишлардан фарқи ва унинг ўзига хослиги диссертация тадқиқотнинг илмий янгилигида очиб берилади. Илмий янгилик таҳририй жиҳатдан қисқа, шу билан бир қаторда ушбу янгиликни моҳиятан тўлиқ ифодалаш лозим. Зарур ҳолларда амалий натижаси келтириб ўтилади. Олинган натижаларнинг ҳаққонийлигини кўрсатишда муайян фан тармоғининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда тегишли асослов келтирилади.

Амалга оширилган тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти муаллифнинг илмий талқини нуқтаи назаридан ёритиб берилади.

Диссертациянинг самарадорлигини исботлаб беришда тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Бунда диссертациянинг мақсади ва объектига мувофиқ ҳолда амалиётга жорий этилган илмий натижалар қайд этилиб, масаланинг моҳияти, жорий этилган жой ва унинг натижалари, қиёсий баҳоланган ҳолда, ёритилади. Шунингдек, тегишли тузилма далолатнома санаси ва рақами келтирилади¹¹;

Мазкур қисмда ишнинг апробацияси, яъни амалий синовдан ўтгани, натижаларнинг эълон қилиниши ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажмига оид асосий маълумотлар қайд этилади.

14. Диссертациянинг **асосий қисмида** ишнинг мазмун-моҳияти баён қилинади. Асосий қисм боб (бўлим)лар, параграф (қисм)лар ва бандлардан (зарур ҳолларда) ташкил топади.

Диссертациянинг маъно-моҳияти унинг асосий қисмига киритилган бўлим, боб, параграф, фикр ва хулосалар асосида, ишнинг мақсад ва вазифалари доирасидан умумий келиб чиққан ҳолда, мантиқий изчиллик ва тизимли ёндашув негизида очиб берилади.

15. **Хулосада** диссертация тадқиқоти бўйича умумлаштирилган фикр, таклиф, тавсиялар қисқа ва аниқ келтирилиб, амалиётга жорий этишга тавсия қилиш мумкин бўлган илмий натижа (натижалар) қайд этилади. Хулоса таҳририй жиҳатдан пухта, қисқа ва аниқ-равшан ифодаланиб, рақамланган ҳолда келтирилади.

16. **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати** диссертация матнида мурожаат қилинган барча илмий, адабий ва бошқа манбаларни ўз ичига олган бўлиши керак.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида илмий-технологик, интеллектуал тафаккур шиддат билан ривожланиб бораётганини эътиборга олган ҳолда

марказлар ва олий таълим муассасалари ҳақида қисқача маълумот берилади, улар томонидан олинган муҳим илмий натижалар ёритилади, амалга оширилаётган устувор илмий йўналишлар бўйича маълумот берилади ва зарур деб ҳисобланган маълумотлар келтирилади.

¹¹ Докторлик диссертацияси илмий натижаларининг амалиётга жорий қилинишини баҳолаш мезонларига қаралсин.

адабиётлардан фойдаланишда охирги ўн-ўн беш йил ичида эълон қилинган ишларга алоҳида аҳамият қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

Диссертация мавзуси юзасидан фойдаланилган адабиётлар рўйхатини **3-иловага** мувофиқ тарзда расмийлаштириш тавсия этилади.

Диссертацияда фойдаланилган адабиётлар рўйхати, талабгорнинг хоҳишига кўра, алифбо тартибда, систематик ёки матнда ҳавола қилиш тарзида берилади. Фойдаланилмаган ва ҳавола қилинмаган адабиётларни рўйхатга киритиш мумкин эмас.

17. Талабгор ўз диссертациясида фойдаланган материаллар манбаини, уларнинг муаллифи ва номини тўлиқ кўрсатиши лозим. Талабгор диссертацияда ҳаммуаллифларнинг ғоя ёки ишланмаларидан фойдаланган тақдирда буни диссертация ва диссертация авторефератида қайд этиши шарт. Талабгор ҳар бир ҳаммуаллифнинг ҳиссасини ҳолис акс эттириши лозим ва мақолалардан ўз диссертациясида қисман ёки тўла фойдаланиш учун ҳаммуаллифларнинг ёзма розилигини олиши зарур.

Ҳаммуаллифликдаги илмий иш натижалари фақат битта талабгорнинг диссертациясига тўла-тўқис киритилиши мумкин.

Ўзга материаллардан (иктибос, жадвал, формула, қоида, график, маълумот ва бошқалар) манбага ва унинг муаллифига ҳавола берилмасдан (кўрсатилмасдан) фойдаланилганида, диссертация қайта ҳимоя қилиш ҳуқуқидан унинг номи маҳрум қилинган ҳолда, кўриб чиқишдан олиб ташланади.

18. **Иловалар** диссертациянинг асосий матни билан бирга битта китобга жамланган ёки алоҳида китоб ҳолида расмийлаштирилган бўлиши мумкин. Иловаларга диссертация матнини тўлдирадиган ва тасвирлайдиган қуйидаги ёрдамчи материаллар киритилиши мумкин:

оралиқ математик исботлар, формулалар, ҳисоб-китоблар;
статистик маълумотлар ва уларни қайта ишлаш методлари;
аниқ тажрибалар натижалари;

дастлабки материаллар;

ёрдамчи номограммалар ва жадваллар;

тажрибаларда, ўлчаш ва синовларда қўлланилган аппарат ва ускуналар таърифиди;

диссертация тадқиқоти жараёнида ишлаб чиқилган, ЭҲМда ечилган масалалар бўйича ёрдамчи алгоритмлар ва дастурлар, методлар;

социологик тадқиқотлар натижалари;

ёрдамчи тавсифдаги иллюстрациялар (илова тасвирлар);

мукамал изоҳлар;

диссертация ишининг натижаларини татбиқ этиш бўйича далолатнома нусхалари ва бошқалар.

Иловаларнинг кетма-кетлик тартиби диссертацияда уларга мурожаат қилиш тартибига мос келиши ва фойдаланишда қулай бўлишини таъминлаши керак.

19. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар диссертация ҳажмига киритилмайди.

Расмийлаштиришнинг меъёрий-техник талаблари

20. Диссертация қуйидаги меъёрий-техник талаблар асосида расмийлаштирилади:

ишнинг ҳажми 200 саҳифадан ошмаслиги керак. Ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишидаги диссертация ҳажми кўпи билан 30 фоизга оширилиши мумкин. Фойдаланилган адабиётлар ва иловалар кўрсатилган ҳажмга киритилмайди;

матн компьютерда MS WORDнинг «Times New Roman» шрифтида, 14 кегль, бир ярим интервал ва А4 шаклдаги қоғознинг бир томонида ёзилган бўлиши керак. Матннинг чап томонидан 30 мм, юқори ва қуйи томонидан 25 мм, ўнг томонидан 15 мм жой қолдирилади;

бетлар титул varaғидан бошлаб охириги бетгача араб рақамларида белгиланади. Биринчи бет титул varaғи ҳисобланиб, унга рақам қўйилмайди, кейинги бетга 2 рақами қўйилади ва ҳоказо. Тартиб рақами бетнинг пастки қисмидан, ўнг томонга қўйилади;

мундарижа, кириш, ҳар бир боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар янги бетдан бошланади;

титул varaғи иловага мувофиқ расмийлаштирилади, диссертациянинг номи аниқ ва қисқа бўлиши лозим;

«мундарижа» сўзи тўлиқ бош ҳарфлар билан ёзилади. Мундарижада кириш, ҳар бир боб, параграф, банд ҳамда хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар бошланган саҳифалар кўрсатилади;

«кириш» ва «хулоса» сўзлари тўлиқ бош ҳарфлар билан (охирига нуқта қўйилмайди) тегишли бетнинг ўртасига ёзилади. Киришдан хулосагача ҳамда улардан кейин бошланадиган матндаги қаторлар ораси бир интервал бўлиши керак;

боб, параграф ва бандлар бир-биридан фарқланиши учун уларга тегишли рақамлар қўйилади. Боб рим рақами (I, II, III, IV, V)да белгиланиб, ундан кейин нуқта қўйилади, масалан, «**I БОБ.**». Нуқтадан кейин бир пробел ташланиб, бобнинг номи тўлиқ бош ҳарфлар билан ёзилади (охирига нуқта қўйилмайди). Параграф ва бандлар араб рақамлари билан тегишли тартибда белгиланиб, нуқталар билан ажратилади (охирيدا нуқта қўйилади). Нуқтадан кейин, бир пробел ташланган ҳолда, параграф ва бандларнинг номи берилиб, улар бош ҳарфдан бошланади (охирига нуқта қўйилмайди). Улар тегишли бетнинг ўртасига ёзилади. Сарлавҳанинг тагига чизиш мумкин эмас;

боб, параграф, банд ва улардан кейин бошланадиган матн қаторидаги оралиқ қуйидагича: бобгача, боб ва параграф, шунингдек, параграф ва банддан кейин бошланадиган матн ораси бир интервал бўлиши керак.

21. Фойдаланилган адабиётлар икки жойда ёритилади:

а) материалдан фойдаланилган диссертация матни бетида. Унга ҳавола берилган матн жойлашган шу бетнинг охирида 10 кеглда берилади;

б) фойдаланилган адабиётлар рўйхатида. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати уч бўлимдан иборат бўлади (биринчи бўлим – методологик аҳамиятга молик норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва нашрлар; иккинчи бўлим –

монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар; учинчи бўлим – фойдаланилган бошқа адабиётлар).

Ҳар бир фойдаланилган манбага тегишли равишда ҳавола берилиши шарт.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатидаги адабиётдан олинган материалга матнда ҳавола берилганда, унинг рўйхатдаги тартиб рақами ва иқтибос (материал) олинган шу адабиётнинг тегишли бетлари кўрсатилган ҳолда қавс ичига олинади, рақамлар нукта билан ажратилади, масалан, [1. 25–26 б.] (рўйхатдаги биринчи рақамли адабиётнинг 25–26-бетларидан олинганини англатади).

Диссертация мавзуси юзасидан фойдаланилган адабиётлар рўйхати белгиланган стандарт талабларига мос равишда тузилади.

Диссертация мавзуси бўйича сўнгги 15 йил ичида нашр қилинган адабиётларга алоҳида аҳамият бериш тавсия этилади.

22. Иловалар диссертациянинг асосий матни билан бирга ёки уларнинг ҳажми катта бўлганида алоҳида жилд ҳолида жамланиши мумкин. Иловаларга ишнинг хулосалари, таклиф ва тавсияларини асословчи, шунингдек, тўлдирувчи, тасвирловчи ва ёрдамчи материаллар киритилади. Иловаларнинг кетма-кетлик тартиби диссертацияда уларга мурожаат қилиш тартибига мос келиши ва фойдаланиш учун қулай бўлиши керак.

Ҳар бир илова янги бетнинг ўнг юқори бурчагига ёзиладиган «Илова» сўзи билан бошланади. Агар диссертацияда биттадан кўп илова бўлса, улар кетма-кет араб рақамлари билан белгиланади. Масалан, «1-илова», «2-илова» ва ҳоказо.

Иловаларни алоҳида расмийлаштирганда, титул varaғида диссертация мавзусининг номи остида катта ҳарфлар билан «ИЛОВАЛАР» сўзи ёзилади.

23. Иллюстрация, яъни сурат, график, чизма, диаграмма, фотосурат ва шу кабилар «расм» сўзи билан ифодаланиб, у кўриш учун қулай тарзда жойлаштирилиши керак. Агар расмни кўриш учун диссертацияни буриш керак бўлса, соат стрелкаси бўйлаб буриб кўриладиган ҳолатда жойлаштирилиши керак. Зарур ҳолларда расмга изоҳ (расм остидаги матн) қўшимча қилинади.

Расмнинг сони боб ва расм рақамидан иборат бўлиб, нукта билан ажратилади, масалан, «1.1-расм.» (иловаларда келтирилган расмлар бундан мустасно). Ҳар бир расм номланиб, унинг номи бош ҳарф билан бошланади (охирига нукта қўйилмайди). Расмнинг номи унинг устига ёзилади, рақами эса номидан юқorigа ёзилиб, расм номининг ўнг томонида қайд этилади. Изоҳи эса расмнинг остига қўйилади.

24. Рақамли материаллар жадвал кўринишида расмийлаштирилиши керак.

Жадвал боб ва жадвал рақамидан иборат бўлиб, нукта билан ажратилади, масалан, «1.1-жадвал.» (иловаларда келтирилган расм бундан мустасно). Ҳар бир жадвал номланиб, номи бош ҳарф билан бошланади (охирига нукта қўйилмайди). Жадвалнинг номи унинг устига ёзилади, рақами эса номидан юқorigа ёзилиб, жадвал номининг ўнг томонига қўйилади.

25. Жадвал, расм ва шу кабилар статистик шаклларга қўйиладиган талаблар асосида расмийлаштирилиши керак.

26. Матндаги формулалар MS WORD тахририй дастурининг “Формула” функцияси ёрдамида пухта ва аниқ ёзилган бўлиши шарт. Катта ва кичик ҳарфлар, юқори ва пастки индекслар формулада аниқ берилиши керак. Формула учун белгиларнинг ўлчами қуйидагича ифодаланади: катта ҳарфлар ва рақамлар 5–6 мм, кичик ҳарфлар 3 мм, даража кўрсаткичлари ва индекслари 2 мм дан кам бўлмаслиги тавсия этилади.

Белгиларнинг маънолари бевосита формула остида уларнинг формуладаги кетма-кетлиги бўйича берилади. Ҳар бир белгининг маъносини янги қатордан бериш лозим. Берилган маъноларнинг биринчи қатори “бунда” сўзи билан икки нуктасиз бошланади.

Тенглама ва формулалар матндан алоҳида бўш қаторлар билан ажратиб ёзилади. Ҳар бир формуланинг юқори ва пастки томонларида камида бир сатрдан жой қолдириш керак. Агар тенглама битта қаторга сиғмаса, сиғмаган қисм тенглик белгиси (=) ёки қўшиш (+), айириш (-), кўпайтириш (×), бўлиш (÷) белгиларидан кейин кўчирилиши керак.

Диссертациядаги формулалар (агар улар биттадан кўп бўлса) бўлим доирасида араб рақамлари билан белгиланади. Формула рақами бўлим рақами ва формуланинг бўлимдаги тартиб рақамидан ташкил топиб, ўзаро нукта билан ажратилади. Бу нарса бетнинг ўнг томонида формула билан бир қаторда қавслар билан кўрсатилади.

Ҳар бир формула рақамланиб, унинг ўнг томонига ёзилади. Формула рақами қавс ичида ёзилиб, боб ва формула рақамларидан иборат бўлади ва нукта билан ажратилади, масалан, (1.1).

27. Матндаги манбаларга **ҳаволаларни** манбанинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»даги тартиб рақамини квадрат қавсларда кўрсатиш ёки сатр ости эслатмаларида келтириш лозим.

Иллюстрацияларга қилинган ҳаволалар суратнинг тартиб рақами билан кўрсатилади. Масалан: «**1.2-расм**».

Формулаларга қилинган ҳаволалар формуланинг қавс ичидаги тартиб рақами билан кўрсатилади. Масалан: «**...(2.2) формулада**».

Матнда барча жадвалларга ҳавола берилиши керак. Агар жадвал рақамланмаган бўлса, матнда «*жадвал*» сўзи тўлиқ ёзилади; рақамланган бўлса, қисқартириб ёзилади. Масалан: «**1.2-жадв.**».

Жадвал ва иллюстрацияларга такроран ҳавола қилинганда, “*қаранг*” сўзи кўрсатилади. Масалан: «**1.3-жадвалга қаранг**».

28. Матн ва жадвалларга берилган, қўшимча ва тушунтирувчи маълумотлар кўрсатиладиган **эслатма изохлар** кетма-кет араб рақамлари билан белгиланади. Агар изохлар бир нечта бўлса, ҳар бир «*Изоҳлар*» деган сўздан кейин икки нукта қўйилади. Масалан: «**Изоҳлар: 1. ... 2. ...**».

Агар изох битта бўлса, унга рақам қўйилмайди ва «*Изоҳ*» сўзидан кейин нукта қўйилади.

29. Диссертация матнида **фамилия, муассаса, ташкилот, маҳсулот номлари** ва бошқа атоқли отлар манбадаги тил бўйича берилади. Атоқли

отларни транслитерация қилиш (бир ёзув ҳарфларини бошқа бир ёзув ҳарфлари билан ёзиш) ва номларни дастлаб қўллаганда диссертация тилига таржима қилиб, асл манбадаги номлар билан ёнма-ён келтириш рухсат этилади.

30. **Сатр ости эслатмалари** фақат ўзи мансуб бўлган саҳифада асосий матн остидан ёзилиб, ундан горизонтал чизиқ билан ажратилади¹². Истибоҳ (сноска)ларни бўлакларга ажратиб, унинг бир қисмини иккинчи саҳифага кўчириш мумкин эмас. Сатр ости сноска белгиси икки хил бўлиши мумкин: араб рақами (агар сноскалар бир нечта бўлса) ёки юлдузча (агар сноскалар биттадан учтагача бўлса) билан белгиланади. Сноскалар матни 10 кегль катталигида ёзилади.

31. Ҳар бир **илова** янги бетнинг ўнг юқори бурчагида «*Илова*» сўзи ва унинг сарлавҳаси билан бошланади. Агар диссертацияда биттадан кўп илова бўлса, улар кетма-кет араб рақамлари билан белгиланади, масалан: «**1-илова**», «**2-илова**» ва ҳоказо.

Иловаларни алоҳида расмийлаштирганда, титул varaғида диссертация мавзусининг номи остида катта ҳарфлар билан «**ИЛОВАЛАР**» сўзи ёзилади.

Ҳар бир илова матнини зарурат бўлган ҳолларда қисмлар ва бандларга бўлиш мумкин. Улар муайян илова доирасида араб рақамлари билан белгиланади ва умумий рақамдан олдин «*И*» ҳарфи ёзилади. Масалан: «**И.1.2.3**» (биринчи илова иккинчи қисмининг учинчи банди).

Иловада бериладиган расмлар, жадваллар ва формулалар ҳар бир илова доирасида араб рақамлари билан белгиланади. Масалан: «**И.1.1-расми**» (биринчи илованинг биринчи расми), «**И.1.1-жадвали**» (биринчи илованинг биринчи жадвали).

32. Диссертация матни ва иловадаги жадвал, чизма, схема, диаграмма, график ва фотосуратлар ўлчами А4 форматли стандарт варақда бажарилиши ёки стандарт ўлчамдаги оқ қоғозга ёпиштирилган бўлиши керак. Фото ва расмларга изоҳлар ҳамда ёзувлар ўқиш учун қулай ҳолда жойлаштирилиши зарур.

Диссертация кўлёмасида, расм ва фотосуратларда нуқсонлар, қалам билан тўғрилашлар, доғлар, ёриқлар бўлишига, шунингдек, ҳарфларни сиёҳ билан тўғрилашга рухсат этилмайди.

Кўрсатиб ўтилган талаблар илмий нашриёт ва мавжуд стандартларнинг кўлёмза ишларига бўлган талаблар йиғиндиси ҳисобланади.

33. Диссертацияни **ёзиш ва териш (босиш)** жараёнида, диссертация ёзилган тилда қабул қилинган имло ва пунктуация қоидаларига, шунингдек, қуйидагиларга риоя қилиш шарт:

сатрдан-сатрга кўчиришда инициаллар (исми ва ота исмининг бош ҳарфлари) фамилиялардан, рақамлар ўзларига тегишли бўлган номлардан ажратилмайди. Шунингдек, «ва б.», «ва ш.к.», «ва ҳ.к.», «ИТМ» каби қисқартмаларни ажратиб кўчириш мумкин эмас;

¹² Истибоҳ (сноска) намунаси

кўчиришда ягона сонни ҳосил қилувчи рақамларни бир-биридан, қавс (нукта)ли рақам ва ҳарфларни улардан кейин келадиган сўздан, шунингдек, белги ва ифодалар ҳамда улардан кейин келадиган рақамларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас.

34. Матнда аниқланган **хато ва нуқсонларни тузатиш** матн варағини қайта босиш йўли билан амалга оширилади. Диссертация саҳифаларини бузиш (буклаш, йиртиш), ҳарфларни ўчириб, кириб тузатиш мумкин эмас.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш томонидан диссертация ҳимояга қабул қилинганидан сўнг, диссертация ва унинг авторефератига ўзгартишлар киритиш мумкин эмас.

III. Диссертация автореферати

1. Диссертация автореферати – диссертация тадқиқоти юзасидан умумий маълумотлар келтирилиб, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари системали равишда умумлашган ҳолда қисқача баён этилган ҳамда нашр этилган ишлар юзасидан тўлиқ ахборот берилган (бериладиган) ва тегишли ҳужжатларда кўзда тутилган талаблар асосида нашр қилинган кўлёзма ҳукукига эга бўлган илмий асар.

2. Диссертация авторефератида тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ишнинг моҳияти очиқ берилади ҳамда хулоса, тақлиф ва тавсиялари баён этилади. Унда диссертациянинг илмий янгилиги, олинган амалий ҳамда илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилгани алоҳида ёритилади.

3. Диссертация автореферати қуйидаги тўрт бўлимдан иборат бўлади:

- а) докторлик диссертацияси аннотацияси;
- б) диссертациянинг асосий мазмуни;
- в) хулоса;
- г) нашр қилинган ишлар рўйхати.

Диссертация авторефератини расмийлаштириш

4. Диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини халқаро экспертизадан ўтказиш ҳамда илмий ютуқларини тарғиб қилиш мақсадида диссертация автореферати ўзбек, рус ва инглиз тилларида, бир-бирига айнан ҳолда 4,5 босма табоқ (ҳар бири 1,5 босма табоқ) ҳажмда тайёрланади. Ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасидаги диссертация авторефератининг ҳажми кўпи билан 30 фоизга оширилиши мумкин.

Диссертация автореферати титул варағи сифатидаги ялтироқ оқ қоғоздаги муқова (олди ва орқа томони) ҳамда матн қисмидан иборат бўлиб, рисола кўринишида тайёрланади. Автореферат муқоваси ва унга тегишли маълумотлар ҳамда чоп қилинган ишлар рўйхати умумий ҳажмга киритилмайди. Авторефератда иловалар бўлмайди.

5. Диссертация автореферати қуйидаги техник талабларга мувофиқ тайёрланади:

диссертация автореферати матни компьютерда WORDнинг «Times New Roman» шрифтида, 14 кегль, бир интервал ва А4 шаклдаги қоғознинг бир томонида ёзилган бўлиши керак. Матннинг чап томони 30 мм, юқори томони 20 мм, ўнг томони 15 мм ва қуйи томони 20 мм бўш бўлиши керак;

барча бетлар муқовадан охириги бетгача тартиб билан рақамланади. Биринчи ва иккинчи бетлар муқова ва муқова орқа томони ҳисобланиб, уларга рақам қўйилмайди, кейинги бетга «3» рақами қўйилади ва ҳоказо. Тартиб рақами саҳифа қуйи томонининг ўнгига қўйилади. Диссертация авторефератининг ҳар бир қисми янги бетдан бошланади;

диссертация авторефератининг бўлимлари номи тўлалигича бош ҳарфлар билан матннинг ўртасига ёзилади (охирига нуқта қўйилмайди). Уларнинг тагига чизиб ёзишга рухсат этилмайди. Диссертация автореферати қисмининг номидан кейин бошланадиган матн орасидаги бўшлиқ бир интервалда бўлиши керак;

диссертация авторефератининг охириги варағида унинг матнини таҳрирдан ўтказган журнал номи келтирилиб, унинг муҳри қўйилади.

6. Чоп этилган диссертация авторефератининг барча нусхалари матбаа жиҳатдан бир хил талаб асосида босиб чиқарилиши шарт.

7. Диссертация автореферати тўрт бўлимдан иборат бўлади:

а) ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ. Мазкур қисм диссертациянинг кириш қисми билан айнан бўлади. Ушбу бўлимда аннотация тарзида қуйидаги йўналишлар акс эттирилади:

диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти (диссертация тадқиқотини амалга оширишнинг долзарб илмий масалалари ва амалий жиҳатдан зарурати асослаб берилади);

тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги;

диссертациянинг мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи;

муаммонинг ўрганилганлик даражаси;

диссертация тадқиқотининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги;

тадқиқотнинг мақсади;

тадқиқотнинг вазифалари;

тадқиқотнинг объекти;

тадқиқотнинг предмети;

тадқиқотнинг усуллари;

диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги;

тадқиқотнинг амалий натижаси;

олинган натижаларнинг ишончлилиги;

тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти;

тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши;

ишнинг апробацияси;

натижаларнинг эълон қилиниши;

диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.

б) ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ. Ушбу бўлимда диссертациянинг моҳияти қисқача баён қилиниб, тадқиқот мақсадига эришилгани ва вазифаларининг бажарилгани кўрсатиб берилиши керак. Зарур ҳолларда, авторефератга муҳим жадвал, расм, математик ифода ва шу кабилар киритилиб, улар бутун автореферат бўйича изчил кетма-кетликда араб рақамлари билан белгиланади.

в) ХУЛОСА. Ушбу бўлимда диссертация тадқиқотининг асосий хулосалари, таклиф ва тавсиялари ҳамда амалиётга жорий этиш мумкин бўлган натижалари келтирилади.

Умумий хулосаларнинг тадқиқот мақсади ва вазифалари билан алоқаси диссертациянинг ички бирлигини кўрсатиши керак. Хулосалар диссертация тадқиқоти моҳиятини очиб бериши керак.

г) НАШР ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ. Бунда диссертация мавзуси бўйича изланувчи томонидан илмий нашрларда чоп қилинган илмий ишларнинг рўйхати келтирилади. Рўйхат стандарт талабларига мос равишда тузилади. Диссертация авторефератида кўрсатилган барча илмий ишлар диссертация мавзусига қатъиян мос келиши керак.

Нашр қилинган илмий ишлар рўйхати қуйидаги икки бўлимдан иборат бўлиб, хронологик тартибда монография, дарслик, патент, илмий мақола, илмий тўпламлар ва бошқа нашр ишлари тартибида берилади:

биринчи бўлим – Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини нашр қилиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати талаблари асосида илмий даража талабгори томонидан чоп этилган илмий ишлар;

иккинчи бўлим – биринчи бўлимга киритилмаган диссертация мавзуси бўйича бошқа нашр ишлари.

Диссертация авторефератида келтирилган иккала бўлимдаги илмий ишлар узлуксиз рақамланади.

Диссертация авторефератида келтирилган барча илмий ишлар **диссертация мавзусига мувофиқ** бўлиши керак.

Диссертация ва авторефератда кўрсатилган илмий ишларнинг нашр қилинганига оид маълумотлар мавжуд талабларга батамом мос равишда келтирилиши, жумладан, мақолалар эълон қилинган журнал ёки тўпламларнинг бетлари аниқ кўрсатилиши лозим.

Илмий асарлар (мақола, монография ва ҳоказо) барча муаллифларнинг фамилияси ва исми-шарифлари нашрий ишларда қандай тартибда қайд этилган бўлса, диссертация ва авторефератда ҳам ўша тартибда аниқ кўрсатилиши ва қатъиян ишнинг номидан олдин келтирилиши лозим.

Эълон қилинган ишлар рўйхати авторефератнинг охирида инглиз тилидаги матндан кейин белгиланган шаклда келтирилади. Илмий иш қайси тилда нашр қилинган бўлса, рўйхатда ўша тилда келтирилади, таржима қилинмайди.

Диссертацияни расмийлаштириш ва авторефератни кўпайтириш даврида тадқиқот натижалари бўйича эълон қилинган қўшимча илмий ишларни авторефератнинг ушбу бўлимига киритиш тавсия этилмайди, чунки автореферат

илмий кенгаш томонидан ҳимоя учун қабул қилиб олган диссертацияга мувофиқ бўлиши керак.

8. Автореферат асосий бўлимларининг номлари матнга симметрик ҳолда катта ҳарфлар билан (рақам қўйилмаслиги керак) ёзилади. Биринчи бўлим қисмларининг сарлавҳалари, одатда, хат бошидан тўқ рангдаги кичик ҳарфлар билан рақамланмай ёзилади.

9. Авторефератнинг барча нусхалари муқовасида фан доктори илмий даражаси талабгорининг имзоси бўлиши шарт.

10. Талабгорлар диссертация ва авторефератни расмийлаштиришда қўлёзма илмий ишларни (илмий-тадқиқот иши тўғрисидаги ҳисобот) расмийлаштириш бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатлар қаторида ушбу услубий кўрсатмаларга амал қилишлари керак.

11. Диссертация авторефератини юксак даражада тайёрланишини таъминлаш мақсадида унинг матнини Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини нашр қилиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган тегишли нашриёт ёки таҳририят томонидан пишиқ-пухта таҳрирдан ўтказиш тавсия этилади.

**Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фаолият
кўрсатаётган муассаса номи ва илмий кенгаш рақами**

Докторлик диссертацияси бажарилган муассаса номи

ФАМИЛИЯСИ, ИСМИ, ОТАСИНИНГ ИСМИ ШАРИФИ

ДИССЕРТАЦИЯ НОМИ

**ИХТИСОСЛИК ШИФРИ ВА НОМИ
(Фан тармоғи номи)**

**Илмий маслаҳатчи: Ф.И.О., илмий даражаси, илмий
унвони**

Шаҳар – йил

*Докторлик диссертацияси автореферати
муқоваси*

**Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фаолият
кўрсатаётган муассаса номи ва илмий кенгаш рақами**

Докторлик диссертацияси бажарилган муассаса номи

ФАМИЛИЯСИ, ИСМИ, ОТАСИНИНГ ИСМИ ШАРИФИ

ДИССЕРТАЦИЯ НОМИ

ИХТИСОСЛИК ШИФРИ ВА НОМИ
(Фан тармоғи номи)

ДОКТОРЛИК ДИСЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Шаҳар – йил

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси веб-сайтига материал тайёрлаш, муҳокама қилиш, тасдиқлаш ва жойлаштириш ТАРТИБИ

Умумий қисм

1. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси веб-сайтига материал тайёрлаш, муҳокама қилиш, тасдиқлаш ва жойлаштириш тартиби (кейинги ўринларда Тартиб деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2012 йил 24 июлдаги ПФ–4456-сонли фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2012 йил 21 мартдаги ПҚ–1730-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг «Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги 2005 йил 22 ноябрдаги 256-сонли қарори ва мазкур қарор билан тасдиқланган «Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом» ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси (кейинги ўринларда Ўзбекистон Республикаси ОАК деб юритилади)нинг тегишли низомларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Тартиб Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайтига (кейинги ўринларда Веб-сайт деб юритилади) материал тайёрлаш, муҳокама қилиш, тасдиқлаш ва жойлаштириш тартибини белгилаб беради.

3. Веб-сайт Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги 2005 йил 22 ноябрдаги 256-сонли қарори билан белгиланган талабларга, мазкур қарор билан тасдиқланган «Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом», «Давлат органининг расмий сайтига қўйиладиган асосий талаблар» ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида шакллантирилиши ва юритилиши керак.

4. Веб-сайтга жойлаштириладиган материаллар моҳиятига кўра оммавий ахборот воситалари (ОАВ)да эълон қилинадиган ахборот билан тенг кучга эга ва қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- материалнинг ОАВ талабларига мувофиқ тайёрланиши;
- материалнинг ишончли, холис ва сифатли бўлиши;
- материал таҳририй жиҳатдан равлан бўлиши;

материалнинг ўз муддатида тайёрланиши ва янгилаб борилиши.

Ташкилий қисм

5. Веб-сайтга материал тайёрлаш, муҳокама қилиш, тасдиқлаш ва жойлаштириш ишлари Веб-сайт таҳририяти томонидан ташкил қилинади. Веб-сайт таҳририяти таркиби Ўзбекистон Республикаси ОАК бўйича буйруқ билан тасдиқланади.

6. Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи ўз лавозимига кўра Веб-сайт администратори ҳисобланади ҳамда Веб-сайтнинг дастурий-техник ва ахборот хавфсизлигига жавоб беради.

7. Веб-сайтда жойлаштирилган ахборотларнинг йўқ қилиниши, тўсиб қўйилиши, бузиб талқин қилиниши, қалбакилаштирилиши ва сохталаштирилишининг ҳамда бошқа шакллардаги рухсатсиз аралашувларнинг олдини олиш бўйича тегишли муҳофаза чора-тадбирлари кўрилади.

Юқорида келтирилган хавфлардан биронтаси сезилган тақдирда, зудлик билан Ўзбекистон Республикаси ОАК раҳбариятига ва «UZINFOCOM» ДУК қошидаги Компьютер ҳодисаларига чора кўриш хизмати UZ-CERTга хабар берилади (тел. (99871) 238-42-42, 238-42-43, cert@uzinfocom.uz).

8. Материалнинг ишончлилиги, сифати ҳамда ўз вақтида тайёрланиши ва муддатида янгиланиб борилишига тегишли равишда уни тайёрлайдиган масъул ходим ва ташкилий тузилма бошлиғи жавобгар (Котибият, Ахборот-таҳлил ва Мониторинг бўлимлари, бухгалтерия, юридик маслаҳатчи, Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборотномаси ҳамда «ОАКда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази» ДУК).

9. Веб-сайт матни мазмуний ва таҳририй жиҳатдан ҳар йилнинг декабрь ойида тўлиқ инвентаризациядан ўтказилади.

Материални тайёрлаш

10. Материал (материаллар) Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг ташкилий тузилмалари тўғрисидаги низомларга мувофиқ ҳолда тегишли ташкилий тузилмалар – Котибият, Мониторинг ва Ахборот-таҳлил бўлимлари, бухгалтерия, юридик маслаҳатчи, Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборотномаси ҳамда «ОАКда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази» ДУК (кейинги ўринларда Ташкилий тузилма деб юритилади) томонидан тайёрланади.

11. Веб-сайтга тайёрланадиган материаллар унинг тузилмасига мувофиқ ҳолда тайёрланади.

12. Материал лойиҳаси лавозим вазифасига кўра масъул ходим (ёки тегишли масъул ходимлар биргаликда) томонидан тайёрланади (тегишли ҳолларда инглиз ва рус тиллардаги матнларни тайёрлашни ташкил этади) ва тегишли ташкилий тузилма бошлиғига тақдим этилади.

Тузилма бошлиғи материал лойиҳаси билан танишиб чиқади (тегишли ҳолларда инглиз ва рус тиллардаги матнларни текширишга мутахассис жалб этилиши мумкин).

13. Веб-сайтни тегишли материаллар билан ҳар ҳафта янгилаб бориш

ишларини ташкил этишни масъул ходим (Веб-сайт материалига масъул ходим)га тақдим этади. У материал матни билан танишиб чиқиб, зарурий таҳрир ишларини амалга оширади (материал сифатсиз ёки талаб даражасида тайёрланмаган ҳолларда уни тайёрлаган масъул ходимга қайтаради).

14. Тайёрланган материал лойиҳаси уни тайёрлаган масъул ходим ва Веб-сайт материалига масъул ходим томонидан Веб-сайт таҳририятига муҳокама учун киритади.

15. Материални ўз вақтида сифатли тайёрлашга тегишли масъул ходим (ходимлар), веб-сайт материалига масъул ходим ва таркибий тузилма бошлиғи жавобгар ҳисобланади. Материалларни ўз муддатида сифатли тайёрлаш назорати Ўзбекистон Республикаси ОАК бош илмий котиби томонидан амалга оширилади.

16. Веб-сайтга материаллар қуйидаги муддатларда жойлаштирилади:

Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг ўтказилган мажлиси тўғрисидаги маълумот мажлис ўтказилган куни;

Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг тегишли қарорлари мажлис ўтказилган кундан бошлаб 2 иш куни ичида;

Ўзбекистон Республикаси ОАК раисининг тегишли қарор ва буйруқлари улар имзоланган кундан бошлаб 2 иш куни ичида;

тегишли материал Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-қоида комиссиясининг ижобий қарори қабул қилинган кун;

диссертация ҳимояси ҳақидаги эълон Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-қоида комиссиясининг ижобий қарори қабул қилинган кун;

аттестация иши бўйича ID коди меъёрий-техник экспертизаси натижаси бўйича Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-қоида комиссиясининг ижобий қарори қабул қилинган ва тегишли ҳар бир тадбир ўтган кундан бошлаб 2 иш куни ичида;

Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборотномасининг янги сони нашрдан чиққани тўғрисида маълумот киритилган кун;

бошқа материаллар белгиланган муддатларда.

Материални муҳокама қилиш ва тасдиқлаш

17. Таҳририят материалларни кўриб чиқиб, уларни Веб-сайтга жойлаштириш бўйича қарор қабул қилади ва таҳририят аъзолари баённомага ўз имзоларини қўяди. Қарор таҳририят аъзоларининг ҳаммаси овоз берса қабул қилинган ҳисобланади.

Материални Веб-сайтга жойлаштириш

19. Таҳририят қарори асосида материаллар Веб-сайтга веб-сайт материалига масъул ходим ва веб-сайт администратори томонидан қарор қабул қилинган куни биргаликда жойлаштирилади.

Веб-сайтдан материални чиқариш шу тартиб асосида амалга оширилади.

20. Веб-сайтга жойлаштирилган материалларнинг имзоланган асл қоғоз варианты веб-сайт материалига масъул ходимда ва унинг электрон варианты администраторда тизимли равишда сақланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Ахборотномаси тўғрисидаги НИЗОМ

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Ахборотномаси (бундан буён Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборотномаси деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (Ўзбекистон Республикаси ОАК)ни ташкил қилиш тўғрисида»ги 1992 йил 31 мартдаги ПФ–371-сонли фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги 1992 йил 9 сентябрдаги 421-сонли ва «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллашти-риш чоратадбирлари тўғрисида»ги 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли қарорлари асосида нашр қилинади.

2. Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборотномаси таҳририяти ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низом»га, Ўзбекистон Республикаси ОАК низомлари ҳамда мазкур низомга ва тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилади.

3. Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборотномасининг мақсади – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг очиклиги ва ошкоралигини таъминлаш ҳамда тегишли маълумотлар билан кенг илмий жамоатчиликни таништириб боришдан иборат.

4. Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборотномасида қуйидаги йўналишлар бўйича материаллар ёритиб борилади:

соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар ва улар қошидаги илмий семинарлар фаолияти бўйича маълумотлар;

талабгорларнинг илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик фаолият олиб боришга лаёқатини аниқлашни ташкил этиш натижалари;

диссертациялар мавзуларини рўйхатдан ўтказилгани тўғрисида маълумотлар;

докторлик диссертацияси ҳимоялари тўғрисидаги эълонлар;

малакавий имтиҳонларга оид масалалар;

химоя қилинган диссертациялар таҳлили;
диссертациялар натижаларини амалиётга жорий этиш даражаси;
ихтисосликлар номенклатураси ва паспортлари тўғрисида маълумот-лар
ва таҳлилий материаллар;

Ўзбекистон Республикаси ОАК фаолиятига оид масалалар;
олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестация-сига
оид тегишли бошқа маълумотлар.

5. Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборотномаси таҳририяти тарки-би
Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарори билан тасдиқланади.
Таҳририят Ўзбекистон Республикаси ОАК раҳбарияти, Раёсати аъзолари,
Мониторинг ва Ахборот-таҳлил бўлимлари бошлиқлари, масъул котиб,
илмий-эксперт кенгашлари раислари ҳамда вазирлик ва идоралар
вакилларида иборат таркибда шакллантирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси ОАК раиси лавозимида кўра – таҳририят
раҳбари, Ахборотнома бош муҳаррири, бош илмий котиб – бош муҳаррир
ўринбосари ҳисобланади.

Таҳририят Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборотномасининг ҳар бир
сони мундарижасини шакллантиради.

7. Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборотномасини сифатли ва ўз
вақтида тайёрлаш учун масъул котиб ва техник муҳаррир фаолият кўрса-
тади.

8. Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборотномаси ўз харажатларини ўзи
коплаш асосида нашр этилади.

9. Ахборотноманинг йилига тўртта сони – ҳар чоракда битта сони нашр
этилади.

10. Ҳар йилнинг декабрь ойида журналнинг йиллик иш режаси таҳри-
рият томонидан ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати-
нинг қарори билан тасдиқланади. Иш режасида олий малакали илмий ва
илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид таҳлилий маълумотнома
ва долзарб масалаларга бағишланган мавзулар бўйича мақолаларни нашр
этиш кўзда тутилади.

11. Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборотномасининг йиллик иш
режаси лойиҳаси масъул котиб ва техник муҳаррир томонидан ОАК
ташкилий тузилмалари билан келишилган ҳолда тайёрланиб, таҳририятга,
сўнг Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатига киритилади.

12. Ўзбекистон Республикаси ОАК ташкилий тузилмалари Ахборот-
номада бериладиган материалларни ўз вақтида сифатли тайёрлашга
масъулдир.

13. Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборотномасида чоп этиладиган
барча материаллар таҳририятда жамоавий тақриздан ўтказилади.

14. Ўзбекистон Республикаси ОАК ташкилий тузилмалари томонидан
тайёрланган материаллар Ахборотнома масъул котибига тақдим этилади.
Масъул котиб тақдим этилган материалларни таҳририятда кўриб чиқили-
шини ташкил этади.

15. Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборотномаси таҳририяти тавсияси асосида бош муҳаррирнинг кўрсатмаси билан масъул котиб унинг янги сони макетини тайёрлашни ташкил этади.

16. Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборотномасининг 5 нусхаси Идоравий архивда сақланади.

17. Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборотномасининг электрон варианты ахборот ресурси ҳисобланиб, унинг тўла сақланиши, ахборот хавфсизлиги ва тизимли электрон база сифатида юритилиши Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборотномаси масъул котиби ва техник муҳаррир жавоб беради.

18. Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборотномаси электрон базаси чоп этилган ҳар нашр асосида тўлдириб борилади. Электрон база бир вақтнинг ўзида таҳририятда ва Идоравий архивда сақланади.

19. Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборотномаси янги чоп этилган сони тўғрисида қисқача маълумот масъул котиб, техник муҳаррир ва ОАК веб-сайти администратори томонидан у чоп этилган кундан бошлаб жойлаштирилади.

20. Йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборотномаси таҳририяти ОАК Раёсатида ҳисобот беради.